



Tadjqiqot.uz

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORIJY OLIY TA'LIM MUASSASALARI
PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR,
MAGISTRANTLAR VA IQTIDORLI TALABALAR

DAVRIYLIGI: 2018-2024

RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI

ILMIY KONFERENSIYA

YANGI O'ZBEKISTON: 2024

CONFERENCES.UZ

ILMIY TADQIQOTLAR

| ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES |

MATERIALLAR TO'PLAMI

FEVRAL
№61
SAMARQAND



CONFERENCES.UZ

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
1-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
ЧАСТЬ-1**

**NEW UZBEKISTAN:
SCIENTIFIC RESEARCH
PART-1**

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: Илмий тадқиқотлар» [Тошкент; 2024]

«Янги Ўзбекистон: Илмий тадқиқотлар» мавзусидаги республика 61-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 29 февраль 2024 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2024. - 128 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган етти устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ: – илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, нагжалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши -

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар -

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар -

Исмаилов Хусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни -

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви -

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети "Беш муҳим ташаббус" маркази раҳбари)

6. Журналистика -

Тошбоева Барноҳон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар –

Самигова Умида Хамидуллаевна ("Kinder land of Asia" НТМ ўқув ва тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари)

8. Адабиёт -

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9. Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни -

Phd Воҳидова Меҳри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар -

Турсунназарова Эльвира Таҳировна (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, таржимонлик факультети, инглиз тили амалий таржимаси кафедраси в.б. доценти, PhD)

11. Жисмоний тарбия ва спорт -

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши -

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши -

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)



14.Тасвирий санъат ва дизайн-

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт-

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар -

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари -

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар -

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика -

Жалилов Фазлиддин Содикович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария -

Жалилов Фазлиддин Содикович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари -

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар -

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари -

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар -

Phd доцент Қаххоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25.География-

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналлов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000



ҲУҚУҚ ФАҲЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАГИ
ТАДҚИҚОТЛАР

SOLIQ TO‘LOVCHINING (SOLIQ AGENTINING) BANKLARDAGI
HISOBVARAQLARI BO‘YICHA OPERATSIYALARNI TO‘XTATIB TURISH
TO‘G‘RISIDAGI QARORNI BEKOR QILISH TARTIBI

Ergashev Bahodir Abdurasulovich,
Tadqiqotchi

Annotatsiya: Mazkur maqolada soliq to‘lovchining (soliq agentining) banklardagi hisobvaraqlari bo‘yicha operatsiyalarni to‘xtatib turish to‘g‘risidagi qarorni bekor qilish tartibining nazariy-amaliy jihatlarini tadqiq etilgan.

Kalit so‘zlar: soliq ma‘muriyatchiligi, bank hisobvaraqlari, soliq majburiyati, soliq to‘lovchi, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari.

Soliq to‘lash majburiyatining bajarilishini ta‘minlash maqsadida qonun chiqaruvchi tomonidan davlat majburlov choralari belgilangan. Soliq to‘lovchiga yuklatilgan vazifalar bajarilmagan yoki noto‘g‘ri bajarilgan taqdirda, soliq organi uni javobgarlikka tortishi, shuningdek majburiyatlarni bajarish uchun maxsus mexanizmlardan foydalanishi mumkin. Bunday maxsus mexanizmlardan biri – soliq to‘lovchining banklardagi operatsiyalarini to‘xtatib turishdir.

O‘zbekiston Respublikasida soliq to‘lovchining banklardagi operatsiyalarini to‘xtatib turish va uni bekor qilish bilan bog‘liq qoidalar O‘zbekiston Respublikasi Soliq kodeksi, O‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiy protsessual kodeksi, O‘zbekiston Respublikasi banklarida ochiladigan bank hisobvaraqlari to‘g‘risidagi Yo‘riqnomaga va boshqa qonun hujjatlarida o‘rin olgan.

Soliq to‘lovchining banklardagi operatsiyalari **suddan tashqari** yoki **sud** tomonidan to‘xtatib qo‘yilishi mumkin. Suddan tashqari to‘xtatib qo‘yish, agar soliq to‘lovchining bankdagi hisobvaraqlari bo‘yicha operatsiyalarni to‘xtatib turish to‘g‘risidagi qaror soliq organining rahbari (rahbar o‘rinbosari) tomonidan o‘n kundan ko‘p bo‘lmagan muddatga qabul qilinishi mumkin. Shuningdek, Respublikasi banklarida ochiladigan bank hisobvaraqlari to‘g‘risidagi Yo‘riqnomaning 46-bandida asosiy hisobvaraq bo‘yicha operatsiyalar faqat hisobvaraq egasining farmoyishiga ko‘ra yoki hisobvaraqdagi pul mablag‘lari tergovga qadar tergovga qadar tekshiruvni amalga oshirayotgan organning mansabdor shaxsi, surishtiruvchi, tergovchi qarori bo‘yicha to‘xtatilishi mumkinligi ko‘rsatilgan. Bundan tashqari, jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish, terrorizmni moliyalashtirish va ommaviy qirg‘in qurolini tarqatishni moliyalashtirish holatlarida ham gumon qilinayotgan shaxslar ro‘yxatiga kiritilgan shaxslarning operatsiyalari to‘xtatib qo‘yiladi.

O‘n kundan ko‘p muddatga to‘xtatib turish to‘g‘risidagi qaror soliq organining iltimosnomasiga asosan sud tomonidan qabul qilinishi mumkin.

Soliq kodeksining 111-moddasiga muvofiq, yuridik shaxslar va yakka tartibdagi tadbirkorlarning bankdagi hisobvaraqlari bo‘yicha operatsiyalarni to‘xtatib turish soliq organi tomonidan quyidagi hollarda amalga oshiriladi:

1) ushbu soliq to‘lovchi (soliq agenti) tomonidan soliq organiga moliyaviy va (yoki) soliq hisoboti bunday hisobotni taqdim etishning belgilangan muddati tugaganidan keyin o‘n kun ichida taqdim etilmaganda (**hisobot taqdim etilsa, cheklov bir kundan kechirtirmasdan bekor qilinadi**). Rossiya Federatsiyasi qonunchiligi bo‘yicha deklaratsiyani, ya‘ni hisobotni topshirish muddati tugagandan keyin 20 kun ichida taqdim qilinmaganda operatsiyalar to‘xtatiladi [1]. Qozog‘iston Respublikasi Soliq kodeksining 118-moddasida bu muddat 30 kun etib ko‘rsatilgan[2];

2) soliq to‘lovchi (soliq agenti) tomonidan soliq organining kameral soliq tekshiruvi natijalari bo‘yicha talabnomasiga tushuntirishlar va (yoki) tuzatishlar belgilangan muddatda taqdim etilmaganda, shuningdek soliq to‘lovchi tomonidan soliq organi talab qilgan hujjatlar taqdim



etilmaganda (**tushuntirishlar va (yoki) tuzatishlar taqdim etilsa, cheklov shu kuni bekor qilinadi**). Rossiya Federatsiyasi qonunchiligida tushuntirishlar va tuzatishlar uchun aniq 10 kunlik muddat ko'rsatilgan bo'lib, O'zbekiston qonunchiligi bilan bir xildir;

3) soliq tekshiruvini o'tkazayotgan soliq organlarining mansabdor shaxslarini ko'rsatilgan hududga yoki binoga (bundan turar joylar mustasno) kirishiga to'sqinlik qilishda. Soliq organi mansabdor shaxsining kirishiga to'sqinlik qilinishi uning o'zi va tekshirilayotgan shaxs tomonidan imzolanadigan dalolatnoma bilan rasmiylashtiriladi. Bunday dalolatnoma asosida soliq organi bankdagi hisobvaraqlar bo'yicha operatsiyalarni to'xtatib turadi (**soliq organining tekshiruv o'tkazayotgan mansabdor shaxslariga kirish huquqi berilsa, bir kundan kechiktirmay cheklov bekor qilinadi**). Rossiya Federatsiyasi Soliq kodeksida operatsiyalarni to'xtatib turish uchun bunday asos ko'rsatilmagan. Qozog'iston qonunchiligiga ko'ra, mansabdor shaxs besh kun davomida soliq to'lovchining binosiga kiritilmagan taqdirdagina operatsiyalar to'xtatilishi mumkin;

4) soliq to'lovchining (soliq agentining) o'zi ko'rsatgan manzilda yo'qligida (**manzilida yo'qligi asosligi soliq organi tomonidan e'tirof etilsa, cheklov bir kundan kechiktirmay bekor qilinadi**). Qozog'iston qonunchiligiga muvofiq, soliq to'lovchining yo'qligi munosabati bilan yuborilgan pochta xabari yoki boshqa aloqa vositasi qaytib kundan boshlab besh ish kuni ichida operatsiyalar to'xtatiladi;

Qozog'iston Respublikasi Soliq kodeksining 118-moddasida qarzdorlik miqdori oylik hisob ko'rsatgichidan 6-baravar ortiq bo'lsa ham, hisobvaraqlardagi operatsiyalar to'xtatilishi ko'rsatilgan. Bank hisobvaraqlari bo'yicha xarajatlar operatsiyalarining to'xtatilishi to'g'risidagi buyruq kamchiliklar bartaraf etilgan kundan keyingi bir ish kundan kechiktirmay, buyruq chiqargan soliq organi tomonidan bekor qilinadi.

Belarus Respublikasi Soliq kodeksi 53-moddasi 2¹-bandiga ko'ra, soliq to'lovchining (majburiyatni olgan boshqa shaxsning) bank hisobvaraqlaridagi operatsiyalarini to'xtatish to'g'risidagi qaror soliq organining rahbari (uning o'rinbosari) tomonidan quyidagi holatlarda qabul qilinadi:

soliq to'lovchining (majburiyatni olgan boshqa shaxsning) iqtisodiyot sohasida huquqbuzarliklar sodir etish riski bo'lgan tijorat tashkilotlari va yakka tartibdagi tadbirkorlarning reestriga kiritilishi;

agar tijorat tashkiloti yoki yakka tartibdagi tadbirkorning hisobvaraqlariga olingan mablag'lar miqdori bir oy davomida bazaviy hisoblash miqdorining 5000 baravaridan oshib ketsa, shu bilan birga ushbu tijorat tashkilotining rahbari, yakka tartibdagi tadbirkor ushbu mablag'larni boshqara olmaydigan bo'lsa.

Ushbu cheklovlar soliq to'lovchining reestrda chiqarilgan yoki kelib tushgan mablag'larni rahbar yoki YaTT boshqa olishini ma'lmu qilgan kundan so'ng bir kun ichida hisobvaraqlaridagi operatsiyalarini to'xtatish haqidagi qaror bekor qilinadi [3].

Soliq kodeksining 111-moddasi beshinchi qismiga asosan, soliq to'lovchining (soliq agentining) hisobvaraqlari bo'yicha operatsiyalarni to'xtatib turish va to'xtatib turishni bekor qilish to'g'risidagi soliq organining qarorlarini bankka elektron shaklda yuborish tartibi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan tasdiqlanadi. Biroq, ushbu masalani bevosita tartibga soluvchi maxsus qaror O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan qabul qilinmagan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. "Налоговый кодекс Российской Федерации (часть первая)" от 31.07.1998 N 146-ФЗ (ред. от 28.05.2022) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.06.2022). <http://www.consultant.ru/>
2. Налоговый кодекс Республики Казахстан.
https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=36148637&pos=3913;-41#pos=3913;-41
3. Налоговый кодекс Республики Беларусь.
https://www.minfin.gov.by/upload/np/acts/nk_obshhaja_chast.pdf



TIJORAT BANKLARIDA TEKSHIRUVLAR O‘TKAZISHNING TASHKILIY-HUQUQIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH

Mustanov Ilxom Abdivalijonovich,
Toshkent davlat yuridik universiteti
mustaqil izlanuvchisi

Annotatsiya: Mazkur maqolada tijorat banklarida tekshiruvlar o‘tkazishning tashkiliy-huquqiy jihatlari tadqiq etilgan. Tijorat banklarida tekshiruvlar o‘tkazishning tashkiliy-huquqiy asoslarini takomillashtirish bo‘yicha takliflar berilgan.

Kalit so‘zlar: intizom, bank tizimi, filial, inspeksiya, javobgarlik, tekshirish, kompleks inspeksiya qilish.

Milliy qonunchiligimizning tijorat banklarida tekshiruvlar huquqiy tartibga solish bilan bog‘liq normalarini takomillashtirish banklarning o‘z faoliyatida turli suiste‘molliklarga yo‘l qo‘yishining oldini olishga, banklarga bo‘lgan ishonchning mustahkamlanishiga va buning asosida banklarning kredit berish, omonatlarni jalb qilish borasidagi faoliyati ko‘lami oshishiga xizmat qilishi mumkin.

Xorijiy davlatlarda bank nazorati amaliyoti o‘ziga xos jihatlarga egaligi bilan diqqatga sazovor. Bu borada shuni ta’kidlash lozimki, rivojlangan xorijiy davlatlarda bank-moliya tizimini nazorat qilish masalalariga yondashuv turlicha bo‘lib G‘arb davlatlarida moliya sektorini nazorat qilishning yagona modeli mavjud bo‘lmay, bunday modellarning quyidagi kamida 3 turi, ya’ni nazorat vakolatlari markaziy bankda bo‘lgan model; nazorat vakolatlari maxsus yagona davlat nazorat organida bo‘lgan model; birinchi va ikkinchi model elementlarini o‘zida mujassam qilgan model amal qilishini ta’kidlash mumkin.

O‘z navbatida amaliyotda hych bir bank sohasini nazorat qiluvchi organ markaziy bankdan to‘liq mustaqil emasligini qayd etish mumkin. Sababi markaziy banklar tomonidan amalga oshiriladigan pul-kredit siyosati bevosita bank faoliyati bilan bog‘liq. Shu bois nazorat qiluvchi organ markaziy bank bilan o‘zaro munosabatga kirishgan holda o‘z vazifalarini bajarishiga to‘g‘ri keladi.

Bir qator xorijiy davlatlarning bank nazorati bo‘yicha amaliyotini tahlil qilish asosida ta’kidlash mumkinki, bank nazoratining markaziy bank tomonidan yoki maxsus organ tomonidan amalga oshirilishi samaradorligi borasida olimlar tomonidan ham, amaliyot xodimlari tomonidan ham yakdil fikrlar bildirilmagan. Bizningcha bu har bir davlatda bank nazoratini amalga oshirish mexanizmining qay darajada puxta ishlab chiqilganligiga bog‘liq.

Biroq, bizningcha, bir vakolatli organ tomonidan ham bank tizimining, ham moliya tizimining nazorat qilinishi nazoratda kamchiliklarga yo‘l qo‘yilishiga olib kelishi mumkin. Shu bois davlatning har bir tizimida o‘zining nazorat qiluvchi organi faoliyat yuritishi maqsadga muvofiq.

Milliy qonunchiligimizning bank nazoratini amalga oshirish bilan bog‘liq normalarini takomillashtirish banklarning o‘z faoliyatida turli suiste‘molliklarga yo‘l qo‘yishining oldini olishga, banklarga bo‘lgan ishonchning mustahkamlanishiga va buning asosida banklarning kredit berish, omonatlarni jalb qilish borasidagi faoliyati ko‘lami oshishiga xizmat qilishi mumkin.

Jumladan, “Markaziy bank tomonidan tijorat banklarining ichki me’yoriy hujjatlariga qo‘yiladigan talablar to‘g‘risida”gi Nizom (O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2000 yil 5 aprelda 916-son bilan davlat ro‘yxatidan o‘tkazilgan) ning 3.5-bandida Markaziy bank tomonidan bank nazoratini amalga oshirish jarayonida tijorat banklari ichki me’yoriy hujjatlarning qonunchilik hujjatlariga muvofiqligi o‘rganilishi, shu bilan birga milliy qonunchiligimizda markaziy bank tomonidan banklar faoliyati boshqa masalalar bo‘yicha nazorat qilinishi belgilangan bo‘lsada, “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonunda mazkur masalalar batafsil tartibga solinmagan.

Faqatgina “O‘zbekiston Respublikasining Markaziy banki to‘g‘risida”gi Qonunning 61-moddasida Markaziy bankning banklar faoliyatini nazorat qilish bo‘yicha vakolatlari belgilangan



bo'lib, bizningcha mazkur Qonunda bank nazoratining doirasi aniq belgilanmagan, shu nuqtai nazardan ham bank nazoratiga oid masalalar chuqurroq tartibga solinishi maqsadga muvofiq.

O'z navbatida bank nazorati borasidagi Markaziy bank tomonidan qabul qilingan normativlar tahlil asosida ulardagi bir qator kamchiliklarni qayd etish lozim.

Jumladan, O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan banklar va ularning filiallarida inspeksiya (tekshirish) o'tkazish tartibi to'g'risidagi Nizomning (O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2011 yil 14 aprelda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2217) **15-bandida** inspeksiya (tekshirish) muddati 30 kalendar kundan oshmasligi lozimligi, alohida hollarda inspeksiya (tekshirish) muddati Markaziy bank farmoyishi asosida uzaytirilishi mumkinligi belgilangan.

Bizningcha, alohida hollarda tekshirish muddatining Markaziy bank tomonidan qancha muddatga uzaytirilishi mumkinligining belgilanmaganligi yuqori turuvchi organlar tomonidan huquqiy hujjatdagi bo'shliqdan foydalanib tekshiruv o'tkazish bo'yicha o'z vakolatlarini suiste'mol qilinishiga olib kelishi mumkin. Shu sababli Nizomning 15-bandida alohida hollarda Markaziy bank tekshiruv muddatini 1 oy muddatgacha uzaytirishi mumkinligini belgilash maqsadga muvofiq.

Undan tashqari O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan banklar va ularning filiallarida inspeksiya (tekshirish) o'tkazish tartibi to'g'risidagi Nizomning 31-bandida Inspeksiya (tekshirish) tayinlangan bank va uning filiallarining qonunda belgilangan tartibda inspeksiya (tekshirish) natijalari ustidan shikoyat qilish huquqi belgilangan. Biroq, mazkur huquqdan foydalanish mexanizmi ishlab chiqilmagan, ya'ni qaysi organga, qaysi muddatlar doirasida shikoyat qilinishi belgilanmagan.

O'z navbatida banklarning Markaziy bank qarorlari ustidan qaysi organga shikoyat qilinishi mumkinligi hech bir normativ hujjat mazmunidan anglashilmaydi.

Bizningcha, banklarning yuqori turuvchi organ qarorlari ustidan shikoyat qilish huquqini har tomonlama ta'minlash maqsadida yuqoridagi Nizomning 31-bandida inspeksiya (tekshirish) natijalari ustidan shikoyat qilish tartiblarini batafsil belgilash maqsadga muvofiq.

Adabiyotlar ro'yxati:

1. Umarov N. O'zbekitonda mustaqil bank tizimining rivojlanishi // Oliy xo'jalik sudi Axborotnomasi. - №4. 2013. 44-b.
2. Hojiev E., Kamalov O., Artikov B. Moliya huquqi. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2012. 230-b.
3. Korogorodov I. Pravovaya priroda bankovskogo nadzora // Zakonnost. 2003. №4. S.41.
4. Bankovskiy nadzor. yevropeyskiy opyt i rossiyskaya praktika // Posobie, podgotovlennoe v ramkax proekta «Obuchenie personala Banka Rossii. Etap III» pod. red. Mikaea Olsena. M. 2005. S.26-28.
5. Bankovskiy nadzor. yevropeyskiy opyt i rossiyskaya praktika // Posobie, podgotovlennoe v ramkax proekta «Obuchenie personala Banka Rossii. Etap III» pod. red. Mikaea Olsena. M. 2005. S. 24.
6. Kotlyarov M.A. Reforma bankovskogo nadzora v Rossii: ot vedomstvennogo kontrolya k megaregulirovaniyu // Bankovskoe delo. 2007. № 4. S. 11.



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР
КОТИБИЯТИ**

Мамбетназаров Генжемурат Джумабаевич,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
мустақил изланувчиси
genjemurat90@gmail.com

АННОТАЦИЯ: Мазкур тезисда Қорақалпоғистон Республикасининг маҳаллий вакиллик органларининг структурасига кирувчи котибиятлар фаолияти соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ушбу мавзу доирасида тадқиқотлар олиб борган олимлар, мутахассислар фикр-мулоҳазалари асосида атрофлича таҳлил қилинган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: котибият, кенгаш, шаҳар, қарор, ваколат, структура, комиссия.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг маҳаллий кенгашларни халқнинг чинакам “овозига” айлантириш ҳақидаги мақсади ҳокимларнинг маҳаллий кенгашга раҳбарлик қилиш амалиётини тўлиқ бекор қилиб, кенгаш раисининг ҳуқуқий мақоми, асосий вазифа ва функциялари ҳамда жавобгарлик доирасини аниқ белгилашни[1] талаб этмоқда.

Ушбу масалалар 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида ҳам ўз аксини топди. Яъни, ушбу Фармон асосида халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ихтиёрига бир нечта ваколатлар ўтказилиб, тизимлаштирилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунининг 4-боби “Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг структураси ва улар фаолиятининг ташкилий асослари” деб номланиб, ушбу бобда халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши фаолиятига кўмаклашувчи субъектлар (котибият ва комиссиялар) келтирилган[2].

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг 2021 йил 14 октябрдаги 488-сон қарори билан тасдиқланган “Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг намунавий Регламенти”нинг 8-моддасига кўра, ҳудудий кенгашлар ўз фаолиятини сессиялар, доимий комиссиялар ва муваққат комиссиялар, маҳаллий Кенгашнинг бошқа органлари орқали рўёбга чиқариш йўли билан амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари структурасида котибиятлар муҳим функционал вазифаларни бажарувчи кенгаш тузилмаларидан биридир. Яъни, маҳаллий кенгашлар фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатлардан хизмат кўрсатиш маҳаллий кенгашларнинг юридик шахс мақомига эга бўлган котибияти томонидан амалга оширилади.

Котибиятлар маҳаллий Кенгаш фаолияти бўйича барча масалаларда, хусусан, иш режа ишлаб чиқишдан тортиб, сессияларни ташкил этиш, масалаларни муҳокамага тайёрлаш, мурожаатлар билан ишлаш, депутат сўрови натижаларини мониторинг қилиб бориш, Кенгаш қарорлари ижроси устидан назоратни ташкил этиш каби вазифалар бўйича депутатларга амалий ёрдам кўрсатади[3].

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши котибияти фаолияти 2020 йил 14 сентябрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Халқ депутатлари кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-636-сон Қонуни[4] билан ташкил этилди.



Алоҳида котибиятларнинг ташкил этилиши ҳокимиятлар бўлиниши тамойилига амал қилинишига имкон яратади – ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятини алоҳида олиб боради, шунингдек, ҳокимиятлар устидан депутатлик назорати самарадорлиги ошади[5].

Котибият – халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг доимий фаолият кўрсатувчи ишчи органи ҳисобланади.

Қонунчиликка кўра, кенгаш котибиятининг мудир кенгаш депутатлари орасидан унинг ваколати муддатига тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги КҚ-161-IV-сонли Қарори билан тасдиқланган Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши котибияти тўғрисида”ги Намунавий низомга кўра, Котибият ўз фаолиятини маҳаллий Кенгаш раиси ҳамда Котибият мудир раҳбарлигида амалга оширади.

Низомга кўра, Котибият мудир тегишли маҳаллий Кенгаш депутатлари орасидан унинг ваколати муддатига тайинланади. Котибият ходимлари Котибият мудирининг тавсиясига асосан маҳаллий Кенгаш қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Котибиятнинг тузилмаси, низоми, штатлар жадвали, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори ва моддий-техника таъминоти, шунингдек уларни сақлаш харажатлари тегишли маҳаллий Кенгаш томонидан тасдиқланади.

Маҳаллий кенгашлар котибиятлари ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда юритади.

Бугунги кунда ташкилий-тузилмавий жихатдан шаклланиб улгурган маҳаллий Кенгашлар котибиятлари сессия материалларини деярли ўзлари тайёрламоқдалар ҳамда котибиятлар маҳаллий Кенгашларнинг ижро органи сифатида Кенгаш манфаатларини ўзида ифода этади[6].

Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган институционал ислохотлар фонида туман ва шаҳар Халқ депутатлари кенгашларининг самарали фаолиятини таъминловчи ушбу котибиятлар мутахассисларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-28-сон Фармонида маҳаллий Кенгашлар депутатлари ва котибиятлари ходимларининг билим ва малакасини оширишга қаратилган ўқув курсларини тизимли ташкил этиш[7] белгиланди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, маҳаллий Кенгашлар котибиятлари нафақат вакиллик органи фаолиятига кўмаклашувчи, шу билан бирга мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларини ижроия органларидан ажратиб турувчи муҳим тузилмадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ““Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
2. <https://joqargikenes.uz/oz/>
3. Нарбаева Т.К. Маҳаллий кенгашлар: янги талаблар, янгича ёндашув // <https://senat.uz/oz/articles/post-215>
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.09.2020 й., 03/20/636/1276-сон.
5. <https://www.gazeta.uz/uz/2020/09/15/secretariat/>
6. Ахатжонов С.С. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятида учраётган айрим муаммоларнинг ечимлари юзасидан қонунчиликка таклифлар // “Zamonaviy Dunyoda Ilm-fan Va Texnologiya” ilmiy-amaliy konferensiyasi, 2(2), - В.65–69.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 февралдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-28-сон Фармони // <https://lex.uz/pdfs/6789350>



МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДАГИ ЯНГИЛИКЛАР: МАЪМУРИЙ ДАЪВО ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ ТАКЛИФИ

Рахмонов Сарварбек Азимжонович,
Жиззах вилоят маъмурий суди раиси

АННОТАЦИЯ: Ҳозирги кунда маъмурий судлар самарали фаолият юритишмоқда. Мазкур мақолада муаллиф қонунчилик таҳлили асосида маъмурий даъво тартибида иш юритиш ҳақида сўз юритади.

КАЛИТ СЎЗЛАР: маъмурий даъво, маъмурий суд, одил судлов, маъмурий ҳужжат.

Хабарингиз бор 2023 йил 16 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-11-сонли ва “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-12-сонли Фармонлари қабул қилинган эди.

Уларда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолияти самарадорлиги ва одил судлов сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, Президентимизнинг “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ 2023-2026 йилларда суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли **Стратегияси** ва уни амалга ошириш бўйича **Ҳаракатлар дастури** тасдиқланди.

Фармонда қайд этилганидек, “Янги Ўзбекистон – янги суд” тамойили доирасида аҳолининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш **суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни жадаллаштиришни, соҳага илғор халқаро стандартларни жорий этишни** талаб этмоқда.

Бу эса суд тизими олдида янги-янги вазибаларни кўяди. Жумладан, мавжуд муаммоларни чуқур таҳлил қилган ҳолда, илғор хорижий тажриба асосида аҳолининг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ишларини юритишни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган қонунчиликни янада такомиллаштириш чораларини кўриш лозим.

Президентимиз давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш мақсадида илғор хорижий тажрибалар асосида маъмурий судлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқишини тақлиф этгани айниқса диққатга сазовордир.

Бунда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда маъмурий судларнинг ролини кучайтириш, уларни фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячисига айлантириш ҳамда маъмурий суд ишларини юритишни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш мақсадида **Маъмурий суд юритувини такомиллаштириш концепцияси** ишлаб чиқишини белгиланди.

Унда маъмурий суд иш юритувида **даъво институтини киритиб, даъво турларини аниқ белгилаш**, фуқаролар ва тадбиркорларнинг маъмурий ҳужжатга бўлган ишончини ҳимоя қилишда **етказилган зарарни ундириш тартибини белгилаш**, ҳуқуқи бузилган фуқаро – аризачининг хоҳишига кўра **экстерриториал судловга тегишлилик** механизминини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Шу билан биргаликда, келажакда маъмурий суд жараёнида аризачига қўшимча имкониятлар яратиб берилиши мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз. Хусусан, бир қатор мамлакатларнинг маъмурий суд ишларини юритиш бўйича процессуал қонунчилигида судга маъмурий даъво тақдим этиш имконияти мавжуд.



Хўш, бу янги институт бизга нималар бериши мумкин? Бу саволга жавоб бериш учун қуйидаги ҳолатларга мурожаат қилишимиз даркор.

Маъмурий жараёнга даъво институтини жорий этиш аризага ўзининг ҳуқуқларини маъмурий орган томонидан унинг мурожаати кўриб чиқилмасидан туриб ҳимоя қилиши ҳуқуқини беради. Бу ўз навбатида фуқаро ва тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқларини манфаатларини ҳимоя қилишда ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада кенгроқ ҳимоя қилишга имкон яратади.

Бу борада, қўшни мамлакатлардаги маъмурий иш юритиш қонунчилигини келтириб ўтишни мақсадга мувофиқ бўлади. Маъмурий даъвонинг бузилган оммавий ҳуқуқни ҳимоя қилиш тўғрисида судга даъво қўзғатиш воситаси сифатида эътироф этилиши маъмурий иш юритишда тортишувлик тамойилларининг кучайишига ва маъмурий жараён иштирокчиларининг ҳуқуқий кафолатларининг ошишига олиб келади. Томонларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун, шу жумладан амалдаги қонунчилик доирасида қўлаб ҳаракатлар воситаларини тақдим этиш имкониятини назарда тутати. Бундай эътироф этиш натижасида фуқаро даъвогар тақдим этилган даъвони рад этиш, унинг асосини ёки предметини ўзгартириш, агар зарарни қоплаш тўғрисидаги масала қўйилган бўлса, даъво нархини ўзгартириш имкониятига эга бўлади. Жавобгар кўрсатилган даъвони тан олиши, даъвога моддий, ҳуқуқий ва процессуал эътирозлар билдириши, даъвогарга нисбатан мустақил ҳуқуқий даъволар қўйилган тақдирда қарши даъво бериш имкониятидан фойдаланиши мумкин.

Қозоғистон Республикаси Маъмурий тартиб-процессуал кодексига кўра маъмурий даъво – бузилган ёки баҳсли ҳуқуқларни, эркинликларни ёки оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш ва тиклаш мақсадида судга берилган даъводир.

Юқоридаги Кодекснинг 131-моддаси маъмурий даъволарнинг тўрт турини назарда тутати, жумладан низолашиш ҳақидаги даъво, мажбурлаш ҳақидаги даъво, ҳаракатни амалга ошириш ҳақидаги ҳамда эътироф этиш (тан олиш) ҳақидаги даъволар. Муайян вазият учун тўғри даъво турини танланиши муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, ҳуқуқни чеклайдиган ҳужжат даъвогарнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузган бўлса, у маъмурий ҳужжатни тўлиқ ёки бирон қисмини бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан, зарурат туғилганда эса эътироз билдириш ҳуқуқига эга. Қабул қилиниши рад этилган ёки маъмурий орган ёки мансабдор шахснинг ҳаракатсизлиги туфайли қабул қилинмаган имтиёзли маъмурий ҳужжатни қабул қилиш бу мажбурлаш тўғрисидаги даъво берилади.

Даъво аризасида даъвогар маъмурий ҳужжатни қабул қилишга қаратилган бўлмаган муайян ҳаракатни бажаришни ёки бундай ҳаракатлардан воз кечишни талаб қилиши мумкин ва агар улардан бирини қўллаш мумкин бўлмаса, хусусан, ўз кучини йўқотган ҳуқуқни чекловчи маъмурий актни ноқонуний деб топиш учун эътироф этиш тўғрисидаги даъво қўлланилади.

Бундан ташқари, суд томонидан юқорида келтирилган даъволардан ҳар бирини Қозоғистон Республикаси Маъмурий тартиб-процессуал кодексининг 155-160-моддаларига кўриб чиқилиши мумкинлиги вариантлари назарда тутилган. Масалан ушбу Кодекснинг 157-моддаси биринчи пункти иккинчи хатбошисига асосан мажбурлаш тўғрисидаги даъво бўйича, суд жавобгарга ҳуқуқни чеклайдиган маъмурий актни қабул қилмаслик мажбуриятини юклашга ҳақли.

Даъволар турлари конценцияси имконга қараб қуйидаги мақсадларни оптимал равишда реализация қилиши лозим :

Бир томондан, даъво орқали маъмурий органларнинг максимал кўп миқдорда кўпроқ ҳаракатлари низолашилиши лозим, лекин тажриба кўрсатишича ҳар қандай ҳолатда ҳам ноқонуний ҳаракат ва қонунбузилиш ҳолатларини ўз ичига олувчи ҳаракатлар устидан низолашилиши мақсадга мувофиқ. Даъво турлари системаси аҳолининг ҳуқуқий саводи юқори эмаслиги ва етарли даражада шаклланмаган ҳуқуқий инфраструктура (судгача ва



суддан ташқари) сабабли имкони борича содда бўлиши керак. Айниқса, бу қишлоқ регионларига таалуклидир.

“Субъектив ҳимоя ҳуқуқи ва қонунийликни объектив назорати”га доир саволга келсак, субъектив ҳимоя ҳуқуқий системасини ёқлаб чиқиш принципиал жиҳатдан муҳим бўлади, ҳолбуки ҳуқуқий маданият билан боғлиқ сабабларга кўра, шунингдек қонунийлик назорати самарадорлигини ошириш учун системага қонунийликни объектив элементларини интеграция қилиш мумкин.

Даъвогар, давлатга қарши чиққанда ўзини ҳимоясиз деб ҳис қилмаслиги лозим. Давлат даъволар бериш имкониятидан фойдаланилишини давлатнинг фойдасига ишлашини тушуниши керак, ваҳоланки бу билан қонун устуворлиги принципига асосланган маъмурий органлар устидан назорат нафақат яхшиланади, балки маъмурий органларнинг фаолиятининг бўйсунув назорати (тартибга солиниши) ҳам яхшиланади.

Маъмурий органнинг қайсидир ҳаракатига қарши даъво бериш имконияти ўз манфаатларини амалга ошириш воситаси сифатида жозибадор бўлиши керак, яъни бу: қарорни қабул қилувчи судда мавжуд бўладиган вақтга, даъвонинг ҳуқуқни ҳимояловчи ва қонунни муҳофаза қилувчи ҳаракатлари бошланиш вақтига, шикоят бўйича юқори турувчи маъмурий органда ўтказиладиган дастлабки маъмурий таомилларни ўтказиш зарурати, суд қарори ҳаракатига нисбатан жавобига, фуқаронинг судда ўзини ишини адекват равишда тақдим қила олишига, процессуал харажатларга ва даъво ютиб олинган тақдирда ҳал қилув қарорини дарҳол ижро этилиши имконияти мавжудлигига умидига боғлиқдир.

Маъмурий даъво уни фуқаролик даъвосидан ажратиб турувчи қатор белгилар билан тавсифланади:

1) зиддиятли маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқади ва ҳуқуқий ҳимоя талаби сифатида доимо маъмурий-ҳуқуқий низо ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ бўлади;

2) қарама-қарши қонуний манфаатларга эга бўлган томонлар ўртсаида келишмовчилик пайбо бўлганлиги тўғрисида сигнал беради;

3) маъмурий даъвонинг мақсади бузилган субъектив оммавий ҳуқуқни ёки бузилган ҳуқуқий тартибни қонунда назарда тутилган тартибда, яъни бузилган ҳуқуқни тиклаш ёки муайян мажбуриятни, шу жумладан маъмурий жазо олиш мажбуриятини юклаш орқали ҳимоя қилиш;

4) даъво предмети субъектив оммавий ҳуқуқ бўлса, судга мурожаат қилган шахс томонидан бузилган деб ҳисоблаган маъмурий ҳужжатининг ёки жамоат тартибининг қонунийлиги;

5) даъвонинг асоси юридик фактлар, шу жумладан : а) ҳуқуқбузарлик фактлари, давлат бошқаруви ва оммавий ҳуқуқнинг моддий нормалари соҳасидаги ҳуқуқий тўсиқлар; б) маъмурий процессуал хусусиятга эга бўлган ҳуқуқий фактлар ва процессуал нормалар, улар асосида шахс суд томонидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга ва ушбу ҳуқуқни амалга ошириш жараёнини тартибга солади;

б) маъмурий суд томонидан қўзғатилган низони ҳал қилишда суд томонидан махсус процессуал воситалар ва мезханизмлардан фойдаланиш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтишимиз мумкинки маъмурий даъво тартибида иш юритиш амалиётининг мамлакатимиз маъмурий процессуал қонунчилигига жорий қилиниши, маъмурий судлов иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилиниши ва мажбуриятлари бажарилишини таъминлашга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.



СУВНИНГ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИНИ БЕЛГИЛАШНИНГ
ИЛМИЙ МЕТОДОЛИК МАСАЛАЛАРИ

У.Сайдахмедов,
Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси,
ю.ф.ф.д. (PhD), доцент

Аннотация: мазкур мақолада бугунги кунда Ўзбекистонда сувдан Аннотация: мазкур мақолада бугунги кунда дунёда ҳамда сувга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши, сувдан фойдаланишни тартибга солишнинг тарихий босқичлари, сувнинг фуқаролик ҳуқуқий режимини белгилашнинг илмий методолик масалалари, бу борада олиб борилган ишлар тарихий ҳужжатлар, илмий ишлар ҳамда бу соҳани тартибга солувчи қонунчилик асосида ўрганилган. Шунингдек, мақолада сувдан фойдаланишда халқаро экспертларнинг фикрлари, Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишда кўп томонлама ҳамкорлик каби масалалар ҳам ёритилиб, бу борада тегишли таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: сув, фойдаланиш, ҳуқуқий режим, илмий, методология, масалалар, қонунчилик, тадқиқот, ҳамкорлик, истиқбол.

Бугунги кунга келиб инсониятнинг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжининг ортиб бориши ва сув танқислиги бутун бир минтақаларни қамраб олиб, тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёж эса кундан-кунга ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири дунё аҳолисининг йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги, ишлаб чиқариш суръатларининг ўсиб бориши натижасида тоза ичимлик сувига бўлган талабнинг ортиб бориши билан белгиланади. Ичимлик сувига бўлган ҳуқуқ инсоннинг бирламчи табиий ҳуқуқи эканлиги инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар [1] ва бошқа халқаро шартномаларда эътироф этилганлигига қарамадан, ҳанузгача инсоннинг ушбу табиий ҳуқуқи етарли даражада таъминланмаган.

Тоза ичимлик суви инсониятнинг табиий бирламчи ҳуқуқи эканлигини инобатга олиб, сувлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, сув муносабатларини тартибга солиш мақсадида ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб универсал халқаро шартномаларнинг янги авлоди ишлаб чиқила бошланди.

Таниқли италиялик ҳуқуқшунос Данте Капонеранинг изланишларига кўра, қадимда Нил дарёсидан фойдаланиш ва унинг сувини тақсимлаш борасида сув тўғрисидаги қонунларнинг ишлаб чиқилиши милoddан аввалги 3-4 минг йилликларга, яъни Миср фираъвларининг дастлабки сулоалари даврига бориб тақалади. Бундан кўриниб турибдики, инсониятнинг умумий ва биргаликда трансчегаравий сувлардан фойдаланиш бўйича глобал қоидаларни ишлаб чиқа бошлаганига қарийиб олти минг йилдан ортиқ вақт ўтди [2].

Қадимдан Марказий Осиё худудида жойлашган халқлар ва миллатлар сувни муқаддас билиб, ундан оқилона фойдаланганлар. Аждодларимиз асрлар давомида битта сув манбаидан биргаликда фойдаланиб, тинчлик йўли билан ерларни тақсимлашган, сув иншоотларини куришда ва фойдаланишда биргаликда иштирок этишган. Шунданга дунёга икки дарё оралиғи қадимги Окс ва Яксарт – ҳозирги Амударё ва Сирдарё цивилизацияси вужудга келган [3]. Шунингдек, бундан уч минг йил илгари ёзилган зардўштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам ҳаётнинг тўрт унсуридан бири бўлган сувни таҳқирлаш ва ифлослантириш гуноҳларнинг каттаси ҳисобланиб, сув муқаддас эканлиги баён қилинган. Бутун мусулмон дунёсига ўз ҳадислари билан машҳур буюк аждодларимиздан бири - муҳаддис олим Ал Бухорий ўз ҳадиси шарифларида ҳам «Ҳар бир халқ ва ҳамма инсонлар тоза ичимлик сувига адолатли равишда бир хил ҳуқуқларга эгадирлар» [4] деб айтган эди.

Икки дарё – Амударё ва Сирдарё оралиғи қадимдан цивилизация ва маданиятнинг ўчоғи ҳисобланган. Эрамизнинг VI-VII асрларида араблар томонидан бу дарё оралиғи истилоси бошланган пайтларда араблар бу ерларни халифалик боғлари деб номлашгани ҳам бежиз эмас.



Марказий Осиё учун сувдан фойдаланишга оид муносабатлар жуда қадимдан шаклланган бўлиб, тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, минтақанинг иқлим шароити бу заминдаги дарё ўзанлари ва воҳаларда дастлабки ирригация иншоотларининг пайдо бўлишига асос бўлган.

Бронза даврига келибоқ Зарафшон воҳаси, Сурхондарё, Фарғона (Ўзбекистон) дарёлари, Вахш, Кофирнигон, Гиссар, Хўжанд (Тожикистон), Мурғоб (Туркменистон), шунингдек, Амударё дельтаси атрофида яшовчи деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли ирригацион иншоотлардан кенг фойдаланишган [5].

Сув оқимлари табиий ёки сунъий ер усти сувлар (дарёлар, ирмоқлар, сув омборлари, сунъий каналлар) тизимини, шунингдек, доимий ҳаракатдаги ер ости сувларини ҳам қамраб олиши лозим. Шу билан бирга, сув оқимларининг қишда музлаши сабабли бу сув оқими ўз моҳиятини йўқотади. бизнингча, бу тушунча сув оқими тушунчасини янада кенгроқ қамраб олади. Сув оқимлари қаторига қуйидаги ер усти ва ер ости сувлари қиради:

1. Дарё – табиий ўз бошланишига ва ирмоғига эга бўлган ер усти сув оқимидир. Унинг ўзани йил бўйи ёки йилнинг кўп қисмида сув остида ҳаракатланади. Дарёнинг ўзига туташ майдони (дарё ҳавзасини ташкил этувчи ирмоқлар тизими) ва рельеф шакли (дарё водийси) мавжуд. Гидрологияда дарёлар доимий ҳаракатдаги сув оқимлари деб тушунилади [6]. Марказий Осиёда Тожикистон Республикаси дарё ҳавзалари мавжудлиги бўйича биринчи ўринни эгаллайди.

2. Ирмоқ – музликларнинг эриши, ёмғир ва ер ости сувлари, шунингдек, ботқоқликлар ҳисобига шаклланидиган доимий ёки вақтинчалик табиий сув оқимларидир [7].

3. Каналлар – қисман дарё ўзанлари ва кўлларнинг чуқурликларига тўғри келадиган сунъий сув оқимларидир [8]. Каналлар суғориш, қуришиш, сув чиқариш, шунингдек, логистика мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган.

4. Сув омборлари – дарё сувининг оқиб кетишини тартибга солиш ва сув тўплашга мўлжалланган сунъий ер усти сув объектларидир. Сув омборлари сув оқими ва ҳовузлар хусусиятларини бирлаштиради. Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатларида Амударё ва Сирдарё каби дарёларнинг оқимини тартибга соладиган ўнлаб сув омборлари қурилган. Булар қаторига: Роғун, Нурек, Қайроққум, Фарход ва шу қабиларни келтириш мумкин.

5. Ер ости сувлари – ернинг тупроғи ёки тупроқ ости билан бевосита боғлиқ бўлган ернинг юза қисмидан пастда бўлган сувлардир.

Марказий Осиё минтақаси давлатлараро аҳамиятга эга бўлган йирик ва ривожланган сув хўжалиги инфратузилмасига эга минтақалардан бири ҳисобланади.

Марказий Осиё минтақасида сув хўжалиги тарихи тўрт босқичга бўлинади.

Биринчи босқич: Собиқ Иттифоқ босқинига қадар, бу даврда асосан сув хўжалигидан фойдаланиш яъни, сув иншоотларини қуриш халқнинг биргаликдаги – хашар йўли билан қилинган меҳнатига асосланган.

Иккинчи босқич: Сув иншоотлари ва тизимини минтақада муҳандис-қурувчилик ва қайта жиҳозлашга асосланган. Минтақада ягона сув хўжалиги тизими барпо этилган.

Учинчи босқич: XX асрнинг 50-80 йилларига келиб қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида сув хўжалиги тизимининг издан чиқиши ва экологик муаммоларнинг вужудга келиши.

Тўртинчи босқич: Ягона сув хўжалиги тизимидан миллий сув хўжалиги тизимига ўтиш. Сув мोजароларининг қутилиши мумкин бўлган босқич [9].

Швецария атроф-муҳит тадқиқотлари федерал институти тадқиқотчиси Даниел Фариноттининг тадқиқотида шундай келтирилади: «Ёз фаслида ҳаво ҳароратининг иссиқланиши сабабли Марказий Осиёнинг тоғларидаги музликларнинг ҳажмидан 27 фоизи йўқ бўлган. Милодий 2050 йилгача қолган табиий музликларнинг ярми ўртадан йўқ бўлади. Жами, Марказий Осиёнинг Тянь-Шань минтақасидаги 10 мингу 960 табиий музликлардан ўртача 4/5 миллиард тонна муз бир йилда эриб, унинг сатҳи 3 минг квадрат километргача камайган. Музликларнинг эриши билан Хитойнинг шимоли, Қозоғистон, Ўзбекистон,



Туркменистон ва Қирғизистонда «катта сув ҳажми» ҳосил бўладиким, ҳалокатли сув тошқинларининг вужудга келиши ҳам эҳтимоли бор» [10].

Ҳақиқатда, бугунги кунда дунёда глобал исишнинг авж олиши, атмосферадаги ҳаво ҳароратининг йиллик ўртача 0,5-1,2 градусгача кўтарилиши натижасида ер сайёрасида мавжуд арктика музликлари ва тоғлардаги табиий музликларнинг эриши оқибатида йирик сув тошқинлари вужудга келмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда Хитой, Ҳиндистон, Россия, Япония, АҚШ ва бошқа шу каби давлатларда кузатилаётган йирик сув тошқинлари натижасида бир неча юзлаб инсонларнинг ҳалок бўлганлиги, давлатларнинг иқтисодиётига, ижтимоий ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётганлигини гувоҳи бўлиб турибмиз. Марказий Осиёда эса бугунги кунда тоғларга етарли даражада қор ёғмаганлиги натижасида қишлоқ хўжалигида сув тақчиллиги вужудга келаётганлигини кузатмоқдамиз. Шунингдек, Тожикистоннинг асосий дарёлари бўлмиш Вахш ва Панж дарёларида сувнинг етарли даражада эмаслиги натижасида Ўзбекистонга электр энергия етказиб бериш масаласида чекловларнинг жорий этилганлиги сабабли аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электр энергия етказиб бериш борасида узилишлар вужудга келмоқда. Бунинг оқибатлари, албатта, мамлакат иқтисодиётига, ишлаб чиқаришга, қишлоқ хўжалигига ўзининг катта салбий таъсирини кўрсатиши табиий.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда юксак минбардан туриб бугунги кундаги Марказий Осиё мамлакатлари ва жаҳон ҳамжамияти учун глобал муаммолардан бирига айланган Орол муаммосига тўхталиб: «Бугунги куннинг энг ўткир экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокати яна бир бор эътиборингизни қаратмоқчиман. Мана, менинг кўлимда – Орол фожиаси акс эттирилган харита. Ўйлайманки, бунга ортиқча изоҳга ҳожат йўқ. Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги саъй-ҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда.

Биз БМТ томонидан Орол фожасидан жабр кўрган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши тарафдоримиз», [11] - деб таъкидлаган эдилар.

Сув табиатнинг бебаҳо тухфаси эканлигини ва унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги бетакрор аҳамиятини инкор қилмаган ҳолда, дунёда сув захираларининг чекланганлигини ҳам эътироф этишга тўғри келади. Ер юзидаги жами сув захираларининг (тахминан 1400 млн. км³) 2,5 фоизигина (тахминан 35 млн. км³) истеъмол учун яроқли чучук сувлардир. Мазкур сув захираларининг 2,24 фоиздан ноқулай шароитда ёки мураккаб усуллар орқали фойдаланиш мумкин. Уларнинг асосий манбалари Антарктида ва Гренландия музликларида жойлашган. Бор-йўғи 0,26 фоиз чучук сув ресурсларигина барча томонидан кенг истеъмол қилиниши учун қулай ва очикдир ҳамда улар айна пайтда кескин рақобат ва зиддиятлар манбаидир [12].

Шу боис, XXI аср сув захиралари учун кураш юз йиллигидир. БМТнинг собиқ Бош қотиби Пан Ги Мун таъбири билан айтганда, «Сув танқислиги иқтисодий ва ижтимоий қарама-қаршилиқларни кучайтириб юбормоқда ҳамда урушлар ва зиддиятларнинг алангасига ёғ пуркамоқда [13]».

Кўпгина экспертларга кўра, XXI асрда табиий ресурслар учун кураш янада кескинлашади ва «сув уруши», «нон уруши» ёки «эко-урушлар» тусидаги урушларнинг юз бериши тахмин қилинмоқда [14].

«...Сув муаммосини ҳал қилишнинг Минтақа давлатлари ва халқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ [15]», деган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев юксак минбардан туриб БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқларида.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги глобаллашув, экологик муаммолар, тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши каби масалалар сувдан оқилона ва адолатли фойдаланишни тақозо этмоқда. Бу эса, ўз ўрнида сувдан фойдаланишни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш, мажбуриятлар ҳамда жавобгарликни аниқ белгилаш, сувдан фойдаланувчи субъектлар ҳамда объектларнинг, шунингдек бу соҳани тартибга



солувчи ва назорат қилувчи органларнинг конкрет мақоми, вазифалари, функцияларини белгилаш лозимлигини англатади. Шу сабабли, бу соҳада илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш, халқаро тажрибани ўрганиш, уларнинг ижобий ютуқларини ўзлаштириш ҳамда қўллашни асосий устувор вазифалармиздан бири бўлмоқлигини англатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Всеобщая декларация прав человека (статья 25); Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах (статья 11 и 12) / Права человека: Сборник международных документов. Хельсинкский фонд по правам человека. – Варшава, 2002. – С.85 и 111.
2. Духовный В.А. Конвенция ООН: наконец-то в силе // Роль двух глобальных водных конвенций для продвижения интегрированного управления водными ресурсами в Республике Узбекистан и поддержания трансграничного сотрудничества в Центральной Азии. – Ташкент. 2016. – С. 5.
3. Тойнби.А. Постигание истории. – М.: 1991. – С. 22.
4. Бобоев.Х., Гофуров.З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. – Т.: «Янги авлод», 2001. – Б. 27.
5. Валентини К.Л., Оролбаев Э.Э., Абылгазиева А.К., Водные проблемы Центральной Азии // – Б.: 2004. – С. 142.
6. Железняков Л.В., Леговская Т.А., Овчаров Е.Е. Гидрология, гидрометрия и регулирование стока. – М., Колос, 1984. – С. 24.
7. Сиваков Д.О. Водное право России и зарубежных государств. – М., 2010. – С. 87-88.
Қисқа вақт ичида банклар фаолиятини рақамлаштириш инқилоб даражасида ижобий тенденцияларга эришди. Ҳозирги кунда мижозлар мобил телефон орқали товарлар учун тўловни иловани босиш орқали тўлаши ёки банк балансини текшириши одатий ҳолга айланиб улгурди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, рақамли банкнинг асосий вазифаси мижоз билан кун давомида 24/7 режимда унинг молиявий эҳтиёжлари, истаклари, орзулари ва фикрларига ҳамроҳ бўлишдир. Ижтимоий яққаланиш бугунги пандемия шароитида одатий ҳолга айланди. COVID-19 пандемияси бутун дунё бўйлаб барча бозорлар ва тармоқларга, шунингдек, кундалик ҳаётга таъсир кўрсатди. Бироқ, ушбу рақамли дунёда пул оқими коронавируснинг тарқалиши ёки турли тўсиқлар шароитида тўхтаб қолмайди. Бу ижобий устунликлар рақамли технологияларга бўлган эҳтиёжнинг жадал суръатлар билан ўсиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Digital 2020. Global digital yearbook. Essential digital data for every country in the world. [Электронный ресурс]. URL: <https://wearesocial.com/global-digital-report-2020>. (дата обращения: 02.05.2020)
2. Jabnoun, N. Измерение воспринимаемого качества обслуживания в коммерческих банках ОАЭ // Международный журнал торговли и менеджмента, Vol. 13 № 2, с. 29-53.
3. Постановление Правления Центрального банка Республики Узбекистан. «О внесении изменений и дополнения в положение о порядке регистрации и лицензирования деятельности банков». [Зарегистрировано Министерством юстиции Республики Узбекистан 31 июля 2018 г. Регистрационный № 2014-13]

МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Талипов Арифжан Адилевич
Ҳамкорбак АТБ Миробод
УБХО бошқарувчиси
a.talipov@bk.ru

АННОТАЦИЯ: Ушбу тезисда масофавий банк хизматларининг банк фаолиятигадги аҳамияти, уларни кўрсатиш каналлари ва буни янада кенгайтириш имкониятларига оид илмий-назарий қарашлар ўрганиб чиқилди.

Ўзбекистон тижорат банклари амалиётида масофавий банк хизматларининг ривожланиш ҳолати тўпланган статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: масофавий банк хизматлари, интернет-банкнинг, мобил-банкнинг, Банк-мижоз, онлайн-банкнинг

Банклар рақобатбардошликни таъминлаши учун замонавий банк хизматларини жорий этишга, янги технологиялардан фойдаланишга янада кўпроқ эҳтиёж сезмоқдалар.

Хусусан бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз нутқида “...банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим.

2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади” дея, таъкидлаб ўтган эдилар [1].

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, сўнги йилларда банк тизимини эркинлаштириш ва эркин рақобат шароитига мослаштириш кўзда тутилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, 2018 йил 23 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк



хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3620-сонли Қарори қабул қилиниши банк хизматларини кўрсатишда мавжуд муаммолар ва банклар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилаб берди [2]. Жумладан, нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда инновацион маҳсулотларни, шу жумладан, бевосита мулоқотсиз ва мобил технологияларни ривожлантириш ҳамда илгари суриш; бевосита мулоқотсиз ва мобил технологияларни, биринчи навбатда, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳаларида, айниқса, ҳудудларда жорий этиш; халқаро тўлов тизимлари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш ва бошқалар.

Масофавий технологиялар мижозга банк хизматларидан фойдаланишда максимал қулайлик ва банк билан ишлаш жараёнида вақт ҳамда молиявий харажатларни минималлаштириш имконини беради.

Масофадан хизмат кўрсатиш тизими мижозларга тақдим этилаётган хизматларнинг характериға кўра икки турға бўлиш мумкин:

- информацион;
- транзакцион.

Информацион банкинг мижозларға молиявий маълумотларни тақдим этишға йўналтирилган бўлса, транзакцион банкинг молиявий операцияларни амалга оширишға имконият яратади.

Масофавий банк хизматларининг асосий тамойили мижоз ва банк ўртасида турли ахборотларнинг масофадан алмашинуви ҳисобланади. Бунда банк томонидан мазкур амалиётнинг хавфсизлиги таъминланади.

2013 йил 1 сентябридан бошлаб Ягона Умумреспублика Процессинг Маркази ва “CLICK” компаниясининг UZCARD-CLICK қўшма лойиҳаси ҳаётға татбиқ этилди. Мазкур лойиҳа доирасида Ўзбекистондаги исталган банкнинг барча UZCARD online пластик карталари фойдаланувчилари исталган банк ёки инфокиоскда UZCARD SMS-ахборот бериш хизматини мобил телефонға улашлари мумкин. Сўнгра SMS-ахборот бериш хизмати уланган мобил телефондан бепул USSD сўровини жўнатиб, ўз UZCARD online пластик картасини тизимға боғлаш зарур. Шундан кейин фойдаланувчи мобил телефон орқали пластик картадан тўловни амалга ошира олади. Барча тўловлар воситачилик ҳақисиз амалга оширилиши мазкур лойиҳанинг фарқланувчи хусусияти ҳисобланади [3].

Бугунги кунда аҳоли тижорат банкларининг мобил илова дастурлари орқали реал вақт режимида картадан картаға пул ўтказиш (P2P) операцияларини бажариш, солиқ, бюджет, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш, микроқарз олиш ва кредитларни сўндириш, онлайн омонатларни расмийлаштириш, депозит ҳамда ссуда (кредит) ҳисобварақларини масофадан очиш, халқаро банк карта ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш, онлайн конверсия операцияларини амалга ошириш ва бошқа масофавий банк хизматларидан кенг фойдаланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мурожаат (2018) Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисға Мурожаатномаси, Халқ сўзи газетасининг 23 декабрь сони
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3620-сонли Қарори
3. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Расмий сайти



РАҚАМЛИ БАНК МОДЕЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИ ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Юлдашев Ойбек Аброрович
 Ҳамкорбак АТБ Миробод УБХО
 Корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи
 oybek.yuldashev@gmail.com

Аннотация. Мазкур тезисда тижорат банклари филиалларининг виртуаллашуви, рақамли банк технологиялари асосида банк хизматларини кўрсатишда сунъий интеллектдан фойдаланиш амалиёти билан яқиндан таништириб ўтилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, рақамли молиявий хизматлар, масофавий банк хизматлари, m-banking, банк маҳсулот, инновация, трансформация

IBM барқарор рақамли банкни лойиҳалаш ҳисоботида рақамли банк тушунчасини шакллантирган. Корпорация маълумотларига кўра, бу шунчаки мобил иловани жорий этиш ёки филиалларни рад этиш эмас. Улар рақамли банк ўз маҳсулот ва хизматларининг кўп қисмини рақамли равишда тақдим этиши керак деб ҳисоблайди. Бундай банк инфратузилмаси реал вақт режимида рақамли ўзаро алоқалар учун оптималлаштирилган бўлиб, ички маданият рақамли технологияларни ўзгартиришнинг юқори тезлигини назарда тутди. IBM ҳисоботида рақамли банкингни тўртта моделга ажратади [1].

Модел А рақамли банкинг бренди. Кўп сонли эски тизимлар ва бизнес жараёнларга эга классик банклар доимий равишда брендининг рақамли бўлишини ва янги талабларга жавоб беришини хоҳлайдиган янги "илғор" истеъмолчига яқинлашишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу банклар қаторига Сингапурдаги ОСВСнинг FRANK ва Испаниядаги CaixaBankнинг ЛКХА рақамли банклари киради.

Б модели рақамли каналларга эга банкдир. Олдинги моделда қурилган банклардан фарқли ўлароқ, Б моделидаги банклар фойдаланувчи учун қулайликларни яхшилашга қаратилган ташкилотни қурадилар. Одатда, бу банклар мавжуд банкларнинг бек офиси ва банк лицензиясидан фойдаланадилар ҳамда фойдаланувчиларга қулайроқ интерфейс орқали ўз маҳсулотларини қайта сотадилар. Бундай банкларга АҚШдаги Moven ва Россиядаги Rocketbank мисол бўла олади.

Модел С банкининг рақамли филиалидир. Ушбу модел иккита ёндашувни бирлаштиради: рақамли фойдаланувчи ва янги бизнес жараёнлари. Йирик банклар ўзларининг тизимлари жуда инерт ва рақамли банкни бошқариш учун жуда ёпиқ эканлигини аниқлашлари мумкин. Бундай банкларга мисол қилиб BNP Paribas банкининг Hello Bank ва Открытие филиали бўлган "Точка" банкни келтириш мумкин.

Модел Д тўлиқ рақамли банкдир. Ушбу банклар бутун маҳсулот таклифини рақамли технологиялар асосида қурмоқда. Бу филиалсиз банклар бўлиши шарт эмас, лекин бундай банкларнинг мижозлари биринчи навбатда рақамли каналлар орқали ўзаро алоқа қилишни кутишади. Мисоллар: Германиядаги Фидор Банк ва ТКС.

1-жадвал

Рақамли банк филиали моделлари [2]

Модель	А – банкининг рақамли бренди	Б – рақамли каналларга эга банк	С - Банкнинг рақамли филиали	Д – тамомила рақамли банк
Маҳсулотлар, сотув, маркетинг	Мустақил	Мустақил	Мустақил	Мустақил



Модель	А – банкнинг рақамли бренди	Б – рақамли каналларга эга банк	С - Банкнинг рақамли филиали	Д – тамомила рақамли банк
Каналлар	мустақил, баъзида бош банк билан умумий	Мустақил	Мустақил	Мустақил
Бек офис	Бош банк билан умумий	Бош банк билан умумий	Мустақил	мустақил
Банк лицензияси	Бош банк лицензиясидан фойдаланади	Бош банк лицензиясидан фойдаланади	Бош банк лицензиясидан фойдаланади	мустақил

Рақамли банкинг муваффақият омиллари. Ҳар қандай модел учун муҳим муваффақият омиллари самарали масштаблаш қобилиятидир.

Юқорида тавсифланган ҳар қандай модел учун муҳим муваффақият омиллари самарали ўлчаш қобилиятидир. Шундай қилиб, таниқли брендни қўллаб-қувватламасдан ва ташкил этилган банк ташкилоти ёрдамсиз финтех стартаплари молиявий бозорда фойдаланувчиларни жалб қилиш учун курашиш жуда қийин бўлади, бу эрда мижозлар ишончини мустаҳкамлаш жуда қийин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- McKinsey&Company. A bank branch for the digital age. Global Banking Practice July 2018, Copyright © McKinsey& Company. www.mckinsey.com/clientservice/financial_services
- Danny Tang. Branch Transformation in the Digital Era, Copyright IBM Corporation 2018

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Юлдашев Ойбек Аббасович
 Ҳамкорбак АТБ Миробод УБХО
 Корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи
oybek.yuldashev@gamil.com

Аннотация. Мазкур тезисда тижорат банклари фаолиятини рақамлаштириш, рақамли банк технологиялари асосида банк хизматларини кўрсатишда сунъий интеллектдан фойдаланиш амалиёти билан яқиндан таништириб ўтилган.

Калит сўзлар: рақамлаштириш, рақамли молиявий хизматлар, масофавий банк хизматлари, m-banking, банк маҳсулоти, инновация, трансформация

Рақамли трансформация дунё бизнесининг рақамли иқтисодиёт жамиятининг янги шартлари ва афзалликларига мослаша бошлаган муқаррар жараён бўлиб, рақамли технологияни татбиқ этиш орқали жамиятда инсонларнинг турмуш даражасини яхшилаш, қулайликлар яратиш ва сифатини оширишга хизмат қилувчи восита ҳисобланади.

Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, “Иқтисодиётнинг



реал секторида ҳамда молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни рақамлаштириш даражасини 2026 йил якунига қадар 70 фоизгача ошириш” [1] вазифаси белгиланган.

Банк фаолиятини рақамлаштириш, рақамли банкларни ташкил этиш, банкнинг рақамли филиалларини яратиш мавзулари сўнги йилларда амалга оширилган тадқиқотларнинг энг долзарб ва актуал мавзуси саналмоқда. Бир қатор олимлар ва тадқиқотчилар ўз тадқиқотларида мазкур мавзулар доирасида тадқиқотлар ҳамда тажрибаларни амалга оширмоқда.

McKinsey томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўплаб банклар рақамли филиал моделининг элементларини ўзлаштира бошлаган бўлса-да, аксарияти имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмаяпти. Филиалларни рақамли филиалга айлантириш шунчаки янги машиналар ўрнатиш ёки планшет компьютерлар тўпланими сотиб олиш эмас.

Тижорат банкларида рақамли банк хизматларини жорий этиш қуйидаги учта асосий йўналишларга асосланади:

1) арзонроқ, ишончлироқ ва қулайроқ бўлган илғор тармоқ технологиясининг узлуксиз интеграцияси;

2) ҳар бир жойда тубдан янги, кассасиз ва столсиз филиал форматларини қабул қилиш;

3) шахсийлаштирилган, маълумотларга асосланган савдо ва реал вақт режимида ишлашни бошқариш ва кўникмаларни ривожлантиришни ўз ичига олган филиалларда операцион моделни яхшилаш учун рақамли технологиялар ва илғор таҳлиллардан фойдаланиш [2].

Чакана банклар учун рақамли технологияларни жорий этишда бир нечта мақсадлар кўзланади: транзакциялар ва сотишни рақамли каналларга ўтказиш; Ҳар бир мижозлар учун 24/7 режимда мулоқот каналини яратиш; сотишга индивидуал ёндашув; интеграциялашган omnichannel модели орқали банкнинг барча каналларида бирдек ишлаш тажрибаси, яъни мижозлар онлайн, иловада ёки филиалда бўладими, узлуксиз техник қўллаб-қувватлаш тизимига эга бўлади. Мижозлар кун ёки туннинг исталган вақтида рақамли филиалга кириб, кредитлар ёки кредит карталари каби янги маҳсулотлардан тортиб, хизмат кўрсатишгача бўлган барча керакли нарсаларни тезда олишлари керак. Мижозлар қайси каналдан фойдаланмасин, фойдаланувчини қўллаб-қувватлаш тажрибаси узлуксиз бўлиши керак [3].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, рақамли банкнинг асосий вазифаси мижоз билан кун давомида 24/7 режимда унинг молиявий эҳтиёжлари, истаклари, орзулари ва фикрларига ҳамроҳ бўлишдир. Ижтимоий яққаланиш бугунги пандемия шароитида одатий ҳолга айланди. COVID-19 пандемияси бутун дунё бўйлаб барча бозорлар ва тармоқларга, шунингдек, кундалик ҳаётга таъсир кўрсатди. Бироқ, ушбу рақамли дунёда пул оқими коронавируснинг тарқалиши ёки турли тўсиқлар шароитида тўхтаб қолмайди. Бу ижобий устунликлар рақамли технологияларга бўлган эҳтиёжнинг жадал суръатлар билан ўсиб боришига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ПФ-60-сон Фармони, 28.01.2022 йил. <https://lex.uz/docs/5841063>

7. McKinsey&Company. A bank branch for the digital age. Global Banking Practice July 2018, Copyright © McKinsey& Company. www.mckinsey.com/clientservice/financial_services

8. Технологии финансовых услуг в 2020 году и в дальнейшем: революционные перемены [Электронный ресурс]//PricewaterhouseCoopers.–Режим доступа: https://www.pwc.ru/ru/banking/publications/_FinTech – Дата доступа: 31.03.2020.



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҚАМЛИ БАНК МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАВСИФИ

Рахимов Шарафиддин Фазлиддин ўғли
Ҳамкорбак АТБ Чилонзор УБХО
Корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи
hamkor_raximov@gmail.com

Аннотация. Тижорат банкларида сўнги йилларда таклиф этиб келинаётган рақамли банк хизматлари турлари тўғрисида тўхталиб ўтилган. Шунингдек, ушбу рақамли маҳсулотлар тўғрисида тадқиқотчи олимларнинг фикр ҳамда мулоҳазалари билан таништириб чиқилган.

Калит сўзлар: e-banking, Масофавий банк хизмати, SMS-банкнинг, STK (SIM Application Toolkit), Java-банкнинг

Бутун дунёда турмуш тарзининг жадаллик билан ривожланиб бориши натижасида банк миқозлари томонидан банк хизматларининг қулай шароитларда амалга оширилиши талаби кучайиб келмоқда. Мазкур талабларни қондириш учун замонавий ффан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланиш олимлар илмий изланишларининг предитметиға айланмоқда.

Банк хизматлари бозори ривожланиши баробарида масофавий банк хизматлари бўлмиш электрон банкнинг (e-banking) замонавий банк хизматлари жорий этила бошлади [1].

Масофавий банк хизмати - бу банкнинг миқозлари банк офисига бормасдан туриб амалга ошириш имконини берувчи турли хил алоқа воситалари орқали боғланиб, уйғунликда зарур бўлган операцияларни бажариш мумкин бўлган хизматлар мажмуидир.” деб эътироф этган.

А.С. Борисов бугунги кунда мобил-банкнинг тизимларининг қуйидаги асосий турлари кенг таркалганги ҳақида маълумотлар келтириб ўтган [2]:

- SMS-банкнинг – SMS (Short Message Service, яъни қисқа хабарлар хизмати) протоколи бўйича банк хизматлари кўрсатиш. Бунда алоқа оператори ёрдамида миқоз ва банк ўртасида миқоз ҳисоб рақами ҳаракати бўйича ахборот алмашинуви жараёни юзага келтирилади.

- STK (SIM Application Toolkit) – банкнинг - миқознинг SIM-картаси “кайта юкланади” ва унинг мобиль телефонида банк хизматлари кўрсатиш қўшимча менюси пайдо бўлади. Ушбу меню ёрдамида миқоз осонлик билан ўзи амалга оширишни хоҳлаган банк операцияларини танлаши ҳамда амалиётни муваффақиятли якунига етказиши мумкин.

- Java-банкнинг – миқознинг мобил телефониға Java иловаларни ўрнатиш орқали GPRS протоколи бўйича банк хизматлари кўрсатиш тизими бўлиб ҳисобланади.

- WAP-банкнинг - WAP (Wireless Application Protokol, яъни симсиз алоқа учун иловалар) протоколи бўйича интернет орқали банк хизматлари кўрсатиш.

SMS-банкнинг—бу банк миқозларигауларнинг депозит ҳисоб-варақларидаги ҳамда пластик карталарға очилган ҳисобқарақларидаги операциялар ҳақида SMS кўринишидаги маълумотларни олиш тизимидир. Ҳисобварағидан маълумот олиш учун миқоз банкнинг махсус телефон рақамиға белгиланган SMS-сўровни юбориш керак.

“STK-banking”да миқознинг уяли телефон Sim картасиға махсус илова юклаб қўйилади ҳамда миқознинг телефон аппарати менюсида банк хизматларини кўрсатишға ихтисослашган пункт пайдо бўлади. Шу пункт ёрдамида миқоз товар ёки хизматлар бўйича турли операцияларни амалға оширади.

Бу технологияларнинг ижобий томонлари шундан иборатки,биринчидан, миқоз тизимни ишға тушириш учун маълум вақтни сарфлаш керак бўлмайдиган, олдиндан созланган, тайёрланган сервисни қабул қилиб олади ҳамда ундан фойдаланади. Иккинчидан, алоқа оператори узатиладиган маълумотларнинг терминалдан банкнинг жараёнли марказиғача бўлган ораликда ҳимоясини таъминлайди. Учунчидан, абонент турли кўринишдаги операцияларнинг бажарилишида узун рақамларни эслаб қолиши, ёки ўзи билан



операцияларни амалга ошириш қоидалари бўйича махсус маълумотнома олиб юришини талаб қилмайдиган оддий ва қулай сервис билан ишлайди.

“Java-banking”да бошқарувчи дастур Java-илова(изох) кўринишида фойдаланувчининг SIM-картасига эмас, балки унинг телефон аппаратига жойлаштирилади. Натижада мобил телефонда банк операцияларини ўтказиш учун махсус меню пайдо бўлади. Ушбу илова банк сервери билан фақат кичик ҳажмдаги буйруқлар орқали боғланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исхаков И.Р. Операционная структура исламского финансового института, ориентированная на реализацию долевых методов // Актуальные проблемы экономики и права. – 2014. – № 2(30). – с. 12-16.

2. Борисов А.С. (2011) Теоретические особенности инновационной деятельности сферы услуг/ Известия ПГПУ им. В. Г. Белинского. № 24. С. 218-220.

ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Рахимов Шарафиддин Фазлиддин ўғли
Ҳамкорбак АТБ Чилонзор УБХО
Корпоратив хизматлар бўлими бошлиғи
hamkor_raximov@gmail.com

Аннотация: Ушбу тезисда банк хизматларининг банк фаолиятидаги аҳамияти, чакана банк хизматларининг илмий-назарий асослари ва чакана хизматларни ривожлантиришда ахборот технологияларининг аҳамиятини асосланган ҳолда, улардан кенг фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: ритейл-банкинг, депозит, масофавий банк хизматлари, интернет-банкинг, мобил-банкинг, Банк-мижоз, онлайн-банкинг

Сўнгги йиллар давомида чакана банк хизматлари соҳасида эътиборга молик кўплаб чоратadbирлар амалга оширилди. Шунга қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон Фармони билан тасдиқланган “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”да қайд этилганидек: “...банклар бизнесмоделларининг корпоратив мижозларга хизмат кўрсатишга йўналтирилганлиги, нобанк молия ташкилотлари, инновациялар ва ахборот тизимларининг сустривожланганлиги сабабли молиявий оммабопликнинг паст даражадалиги[1].

Натижада, бошқа мамлакатларда жисмоний шахслар ва корпоратив мижозларга ажратилган кредитлар бир меъёрда тақсимланган бир вақтда, мамлакатимизда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар жами кредит портфели ҳажмининг 19 фоизини, корпоратив мижозларга ажратилган кредитлар эса 81 фоизни ташкил этмоқда”. Мазкур ҳолат, фикримизча, илғор хориж тажрибасини ўрганиш асосида тижорат банкларининг чакана хизматларини такомиллаштиришга оид тадқиқотларни устувор йўналишлардан бирига айлантиради.

Дарҳақиқат, тижорат банклари хизматлар бозорининг ривожини нафақат халқ хўжалигига капитални тақсимлашга, балки аҳолига ахборот бериш, тўловларни тезлаштириш ва бошқа бир қанча қулайлик ва имкониятларни яратиб беради. Шу асосда бизнинг олдимизда чакана банк хизматлари соҳасида хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва ушбу тажрибанинг ижобий жиҳатларини Ўзбекистон банктизимидаги ички ҳолатдан келиб чиқиб жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.



Чакана хизматларга ихтисослашган «рақамли» банклар фаолиятини ривожлантириш ва ўз ўрнини ушлаб қолиш мақсадида банклар Fintech стартапларини молиялаштирмақда ёки сотиб олмақда. Бутун дунёда кузатилаётган бу вазият юртимиз банкларига ҳам ўз таъсирини кўрсатиши шубҳасиз. Efma ва Infosys Finacle ўтказган сўров ва тадқиқотларда банклар 2023 йилда чакана банк хизматлари таркибида етказиб бериш тизимини ривожлантиришга урғу берганлари (48 фоиз). Шунингдек, тўлов тизимлари ва банк карталари (36 фоиз), Кредитлаш хизмати (31 фоиз) йўналишлари ҳам рақамли технологиялар асосида ривожлантирилиши қайд этилган.

Шунингдек, тижорат банклари (84%) 2016-2023 йилларда инновацион лойиҳаларга инвестицияларни олдинги йилларга нисбатан кўпайтирганликларини таъкидлаганлар. 69% банклар ўзларининг инновацион банкларга айланганликларини таъкидлашган ва 25% банклар ўз инновацион фаолиятларини юқори даражада, деб ҳисоблашган. Банкларнинг 40% дан ортиғи стартаплар билан ишламоқда ва 30% банклар стартапларга сармоя киритганини таъкидлаган [2].

Инновация ва рақамли трансформация ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, респондент банкларнинг 20%и чакана хизматларни ихтисослашган «рақамли» банклар фаолиятига ўтказган. Ушбу банкларнинг 85%и янги хизмат ва товарларни таклиф этмоқда ва 81%и банк фаолиятини янги тизимлар ёрдамида олиб бормоқда. Инновация ва рақамли трансформациянинг асоси сифатида миқозларга қаратилган хизмат ва товарларни юқори стандартларда таклиф этиш 78% банкларнинг мақсади бўлса, 74% банклар янги тизимларни татбиқ этиш, 68% мобил ва ижтимоий технологиялардан унумли фойдаланишни мақсад қилишган [3].

Ўзбекистонда чакана банк хизматлари бозорини такомиллаштиришга қаратилган стратегик мақсадга эришишда банк фаолияти қуйидаги йўналишларга қараб ривожлантириб борилиши лозим:

– чакана банк хизматларини етказиб бериш жараёнини бир стандартга солиш ва автоматлаштириш.

– замонавий сотишни жорий этиш стратегиясини ишлаб чиқиш, бунда филиаллар тизимини ривожлантириш ва оптимиллаштириш.

– чакана банк хизматлари кўламини кенгайтириш ва улар сифатини ошириш. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши чакана банк хизматлари бозорини янада такомиллаштириш ва банк миқозлари талабини қондиришга имкон яратади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон Фармони билан тасдиқланган “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”

2. Innovation in Retail Banking 2023, Efma-Infosys Finacle Innovation тадқиқоти, 2023 йил

SOLIQ MA'MURCHILIGINING RAQAMLASHUV JARAYONI VA AHAMIYATI

M.M.Mamadolimova

Bank-moliya akademiyasi magistri

ANNOTATSIYA. Respublikamizda bozor iqtisodiy islohotlarining hozirgi bosqichida soliq organlarida raqamli texnologiyalarning rolini oshirish masalalari, soliq majburiyatlari hajmini hisoblash uchun ma'lumotlarning shakllantirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish ahamiyati juda muhim. Innovatsion raqamli texnologiyalarni doimiy ravishda korxonada ishlab chiqish jarayoniga



joriy etish orqali amalga oshiriladigan rivojlanishning yangi bosqichida, soliq ma'murchiligini takomillashtirish, jamiyat va iqtisodiyotni yangi huquqiy, ijtimoiy-iqtisodiy, tashkiliy va boshqa sharoitlarni o'rganildi.

KALIT SO'ZLAR: raqamli iqtisodiyot, soliq ma'muriyatchiligi, dasturiy ta'minot, elektron format, raqamli texnologiyalar, soliq reestrlari, soliq majburiyatlari, fiskal va iqtisodiy samaradorlik.

Hayotimizning barcha sohaları singari iqtisodiyotga ham axborot texnologiyalarining kirib kelishi iqtisodiy jarayonlarni raqamlashtirish fonida an'anaviy ishlab chiqarish tarmoqlarini modernizatsiya qilish yangi bozorlarni shakllantirish, shuningdek, tahlil, prognozlash va boshqaruv qarorlarini qabul qilishda yangi yondashuvlar uchun asos yaratadi. Jismoniy va yuridik shaxslar faoliyati ustidan soliq nazoratini tashkil etish ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarga bog'liq.

Insoniyat raqamli texnologiyalarga asoslangan to'rtinchi sanoat inqilobining ostonasiga yetdi. XX asrning oxiri va XXI asrning boshlarida globallashtirishni to'xtatish imkoniyati yo'qligi haqida gapirila boshladi. Raqamli iqtisodiyot nafaqat axborot iqtisodiyoti, balki IT texnologiyalaridan foydalanish soliq organlari va qonunchiligiga ixtiyoriy rioya etishning va amal qilishni ta'minlashga imkon beruvchi ishonch iqtisodiyoti tizimi hamdir.

Soliq ma'murchiligining samaradorligi soliq tizimining holati, uning yaxlitligi, barqarorligi, fiskal va iqtisodiy samaradorligidan iboratdir. Mamlakat byudjet tizimini soliq to'lovlari bilan to'ldirishning barqarorligi, soliq huquqbuzarliklarini aniqlash va oldini olishning o'z vaqtida amalga oshirilishi va soliq to'lovchilarga o'z konstitutsiyaviy vazifalarini bajarishda qulay shart-sharoitlarni ta'minlash qanchalik yuqori ekanligiga bog'liq.

Hozirgi bosqichda soliq organlarining asosiy vazifasi soliq to'lovchilar bilan bevosita o'zaro munosabatlarni deyarli to'liq chiqarib tashlash va barcha operatsiyalarni elektron formatga o'tkazishdir. Raqamli texnologiyalar rolini oshirish va xufiyona iqtisodiyotiga qarshi kurashish uchun muhim chora sifatida soliq ma'murchiligi samaradorligini oshirish, davlat iloji boricha tezroq ma'lumotlar markazi loyihasi vazifalarni amalga oshirilishini ta'minlash kerak. Ma'lumotlar markazini kengaytirish va soliq ma'murchiligining texnologik jarayonlarini modernizatsiya qilish qo'lda bajariladigan operatsiyalar hajmini, axborotni qayta ishlash vaqtini qisqartiradi, protseduralarni imkonqadar rasmiylashtirib avtomatlashtiradi hamda soliq to'lovchi xizmati sifatini sezilarli darajada yaxshilaydi. To'liq avtomatlashtirish soliq ma'murchiligini takomillashtirishning asosiy vektorlaridan biridir.

Ma'lumotlar markazi axborotlaridan foydalanuvchilar doirasi va ko'lamini kengaytirish orqali soliqni sertifikatlash tizimi to'liq joriy etilgandan so'ng soliq to'lovchilar haqidagi ma'lumotlarni to'liq qamrab oladi.

Shuningdek, ma'lumotlar markazining kengayishi barcha olingan ma'lumotlar oqimlarini real vaqtda birlashtirish imkonini beradi. Rejalashtirilgan vazifalarni amalga oshirish natijasida soliq to'lovchilarga ko'rsatilayotgan xizmatlar sifatini yanada oshirish maqsadida soliq organlari interaktiv xizmatlar ulushining bosqichma-bosqich ko'payishini ta'minlashi lozim. Jumladan, soliqlarni hisoblash, budjetlar bilan hisob-kitoblar kartochkalari bo'yicha ko'rsatkichlarni hisoblash, soliq to'lovchiga hujjatlarni shakllantirish va jo'natish, soliq to'lovchilarni tekshirish uchun dastlabki tanlash va boshqalar.

Shuni ta'kidlash kerakki, hozirda takomillashtirilayotgan hisob-kitob jarayoni dasturi soliqlar va yig'implarni hisoblash uchun batafsil va xulosaviy axborot olish imkonini beradi. Buxgalteriya hisobi va soliq hisobi usullari tafovutlar mavjud bo'lsa, u tafovut miqdori, hisobot barcha turdagi, tashkilotning buxgalteriya siyosatining belgilangan qoidalar tayyorlashda ularning tan olinishi uchun muhtoj bog'liq tuzilishi bo'lgan soliq reestrlarini, shakllantirish zarur bo'ladi. Umuman, soliq buxgalteriya tizimi mustaqil har bir kompaniya byudjeti bilan hisob-kitoblar o'ziga xos qarab qurilgan, lekin u afzal imkon qadar korxonada soliq yukini kamaytirish uchun huquqiy yo'llarini foydalanib, to'g'ri va soliq majburiyatlarini to'lash uchun o'z vaqtida shunday bir tarzda qurilgan bo'lishi kerak.

Soliq ma'murchiligini takomillashtirish nafaqat qonunchilikka asoslanadi, balki soliq organlari va soliq to'lovchilar o'rtasidagi munosabatlar madaniyati va mafkurasini o'zgartirishni talab qiladi.



Shunday qilib, soliq ma'murchiligi jarayonlariga raqamli texnologiyalarni joriy etish katta hajmdagi ma'lumotlarni qayta ishlash, unga kamroq vaqt sarflash va ma'lum bir soliq to'lovchiga kerakli dolzarb ma'lumotlarni tezroq olish imkonini beradi. Bundan tashqari, dasturiy mahsulotlarda ishlash mamlakat iqtisodiyotida amalga oshirilayotgan biznes-jarayonlarga "oshkoralik" beradi. Bu omillarning barchasi umuman soliq ma'murchiligi samaradorligini oshirishga ta'sir ko'rsatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. O'zbekiston Respublikasining "Soliq kodeksi" (yangi tahriri), 2019-yil 30-dekabr.
2. O'zbekiston Respublikasi prezidenti SH.M.Mirziyoevning 2020 yil 25 yanvardagi 2020 yil uchun eng muhim ustivor vazifalar haqidagi Oliy Majlisga Murojatnomasi.
3. O'zbekiston Respublikasi prezidentining "O'zbekiston Respublikasida raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori. Toshkent sh., 2018 yil 3 iyuldagi PQ-3832 sonli.
4. Давлятшаев, А. А. (2021). Процессы Интернационализации и Их Роль в Развитии Межвузовских Отношений. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF INNOVATIONS ON TOURISM MANAGEMENT AND FINANCE, 2(11), 48-55.
5. Akbaralievich, P. E. A. (2021). Theoretical Bases Of The Organization Of Private Capital Accounting In The Republic Of Uzbekistan. EFFLATOUNIA-Multidisciplinary Journal, 5(2).

RAQAMLASHTIRISHNING IQTISODIYOTDAGI O'RNI

Maxmadaliyev Sohob Ashur o'g'li

Toshkent Davlat Iqtisodiyot universiteti

Raqamli iqtisodiyot fakulteti talabasi

maxmdaliyevsohib@gmail.com

ANNOTATSIYA: Maqolada raqamlashtirish iqtisodiyotining muhim ahamiyatlari va uning qo'llanilish jarayonida olib kelingan qulayliklar insoniyatga yaratilayotgan imkoniyatlar haqida ma'lumotlar beriladi.

KALIT SO'ZLAR: Raqamli texnologiya, raqamli iqtisodiyot, iqtisod

Innovatsion faoliyat ulushining o'sishi shunga olib keldiki innovatsiyalar xuddi foydali qazilmalar, ishlab chiqarish quvvatlari va intelktual salohiyat kabi mamlakatning boyligi hisoblana boshladi. Mamlakatimiz va uning har bir fuqarosi manfaatlari yo'lida, innovatsion va ilmiy-texnik salohiyatdan samarali foydalanishning, mamlakatimizda ko'p tarmoqli innovatsion siyosatni shakllantirish va uni amalga oshirish uchun - qonunchilik asoslari yaratmasdan turib hech imkoni yo'q. Davlatimiz rahbarining ta'kidlashicha, "...yurtimiz xalqaro axborot kommunikatsiya texnologiyalarini rivojlantirish indeksi bo'yicha 2019 yilda 8 pog'onaga ko'tarilgan bo'lsa-da, hali juda ham orqada. Aksariyat vazirlik va idoralar, korxonalar raqamli texnologiyalardan mutlaqo yiroq, desak, bu ham haqiqat. Albatta, raqamli iqtisodiyotni shakllantirish kerakli infratuzilma, ko'p mablag' va mehnat resurslarini talab etishini juda yaxshi bilamiz. Biroq, qanchalik qiyin bo'lmasin, bu ishga bugun kirishmasak, qachon kirishamiz?! Ertaga juda kech bo'ladi. Shu bois, raqamli iqtisodiyotga faol o'tish - kelgusi 5 yildagi eng ustivor vazifalarimizdan biri bo'ladi. Raqamli texnologiyalar nafaqat mahsulot va xizmatlar sifatini oshiradi, ortiqcha xarajatlarni kamaytiradi. Shu bilan birga, meni juda qattiq tashvishga soladigan va bezovta qiladigan eng og'ir illat - korrupsiya balosini yo'qotishda ham ular samarali vositadir. Buni barchamiz teran anglab olishimiz darkor. Davlat va jamiyat boshqaruvi, ijtimoiy sohada ham raqamli texnologiyalarni keng joriy etib, natijadorlikni oshirish, bir so'z bilan aytganda, odamlar turmushini keskin yaxshilash mumkin". Prezident SHavkat Mirziyoyev Oliy Majlisga yo'llagan murojaatnomalarida 2020 yilni - "Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili" deb e'lon qildilar. SHuni mamnuniyat,



g'urur va iftixor bilan ta'kidlash mumkinki, bu murojaatnoma nafaqat 2020 yil uchun qo'llanma va yo'llanma vositasida, balkim, O'zbekistonni yaqin o'rta muddatga taraqqiyot yo'lini belgilab beruvchi Dastur sifatida fundamental ahamiyatga ega bo'lgan tarixiy hujjat sifatida baholash mumkin. Umuman, har qanday fan, jumladan, iqtisodiyot, qolaversa, jamiyat matematika yutuqlaridan o'rinli foydalanmasa yuksaklikka erisha olmaydi.

Xulosa va takliflar o'rnida shuni aytish joizki, Rivojlanish uchun insoniyat hayotining yengil darajaga keltirishni maqsad qilgan holda amalga oshirilsagina aniq bir rejani qo'llasa bo'ladi. Insoniyat taraqqiyotining hozirgi davri va yaqin istiqbolida iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha va davlat boshqaruvi tizimining sifat jihatdan rivojlanishi raqamli texnologiyalarni keng joriy etish bilan bevosita bog'liq bo'lib bormoqda. Mamlakatimiz taraqqiyotining istiqboli ham raqamli iqtisodiyot rivojlanishi va raqamli texnologiyalarning qamrov darajasiga tayanadi. Bunga erishish uchun raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishning quyidagi asosiy shartlari va ustuvor yo'nalishlarini sanab o'tish maqsadga muvofiq: Aholi savodxonligi bu borada ilgari qadam bo'ladi desa mubolag'a bo'lmaydi. Mamlakatimizda ayni damda aholi savodxonligi uchun raqamli texnologiya mutaxassisleri tayyorlash jarayoni kuchaytirilmoqda shu bilan birga ushbu sohaning yetakchi mutaxassisleri ayni damda kamligi raqamlashtirishning ildamlashishiga to'sqinlik ham qilmoqda; O'rta ta'lim sohasidagi jamiyki maktablar faoliyatini raqamli texnologiyaga bog'lanmas ekanmiz kelajakni uzoq raqamliahayot sari ko'rish mushkul va mashaqqatli ish hisoblanadi; Ayni damda faoliyat olib borayotgan korxonalar xodimlaridan zamonaviy texnika faoliyatiga mos va xos bilim darajasini oshiruvchi maxsus sinov testlari yoki oylik maoshiga qulay imkoniyat yaratadigan rag'batlarni qo'llamas ekanmiz bu sohadagi texnikalarning oldingi zamon nafasidan ajrata olmaymiz; Yuqoridagi takliflar balkim siz uchun oddiy tuyilsada aslida bizning kelajakdagi rivojlanish poydevorimizning debochasi bo'lishi mumkinligini siz uchun yaxshi bilamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SHavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi.
2. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasiprezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-12-2018>
3. Переходов В.Н. Основы управления инновационной деятельностью. М.: ИНФРА-М., 2015

В2В БОЗОРИДА СОТИШДАН КЕЙИНГИ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ

Мусабаев Р.А.
Тадқиқотчи

Аннотация. Ушбу мақолада замонавий иқтисодий муаммоларга жавоб берадиган ва ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини оширадиган сотишдан кейинги хизматнинг аҳамияти кўриб чиқилади. Ушбу тадқиқотнинг долзарблиги аксарият бозорларда жиддий рақобат ва истеъмолчиларнинг улар сотиб олган товарларга бўлган ижтимоий талабининг ўсиб бориши, шунингдек, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш билан боғлиқ масалаларга ётиборни кучайтириш зарурати шароитида аниқланади.

Калит сўзлар: сервис хизмат кўрсатиш, хизмат турлари, сотишдан олдинги ва сотишдан кейинги хизмат, тўғридан-тўғри ва билвосита сервис, қаттиқ ва юмшоқ сервис, индивидуал ва стандарт сервис, кафолат ва кафолатдан кейинги хизмат, хизмат кўрсатиш стандарти.



Аннотация. В этой статье рассматривается важность послепродажного обслуживания, которое отвечает современным экономическим проблемам и повышает конкурентоспособность производителей. Актуальность данного исследования проясняется в условиях серьезной конкуренции на большинстве рынков и растущего социального спроса потребителей в отношении товаров, которые они покупают, а также необходимость повышенного внимания к вопросам, связанным с повышением качества предоставления услуг соответствующим образом.

Ключевые слова: сервис, виды сервиса, предпродажный и послепродажный сервис, прямой и косвенный сервис, жесткий и мягкий сервис, индивидуализированный и стандартный сервис, гарантийный и послегарантийный сервис, стандарт оказания сервисных услуг.

Annotation. This article examines the importance of after-sales service, which meets modern economic problems and increases the competitiveness of manufacturers. The relevance of this study is clarified in the context of serious competition in most markets and the growing social demand of consumers for the goods they buy, as well as the need for increased attention to issues related to improving the quality of service provision accordingly.

Keywords: service, types of service, pre-sale and after-sale service, direct and indirect service, hard and soft service, individualized and standard service, warranty and post-warranty service, standard of service provision.

Мақсад ва вазифалар.

Мақоланинг мақсади В2В маҳсулотлар бозорининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш; инновацион маркетингнинг асосий воситаларини таҳлил қилиш; В2В маҳсулотлар маҳаллий бозорининг хусусиятларини ўрганиш; инновацион маҳсулотларни бозорга олиб чиқиш муваффақиятини белгиловчи муайян хизматларни тақдим этиши омилларни аниқлаш каби вазифаларни ҳал қилишни назарда тутилади.

Методология.

Мақоланинг назарий асосини маҳаллий ва хорижий олимларнинг В2В бозоридаги инновациялар ҳамда шу йўналишдаги маркетинг тўғрисидаги назарий ва амалий ишланмалари, инновацион В2В товарлар бозорининг турли жиҳатларига бағишланган тадқиқотлари ташкил этади. Методологик асос сифатида ишланмада таҳлил, синтез, аналогия, таққослаш, индукция ва дедукция усуллари ишлатилган.

Натижалар.

Тадқиқот натижалари сифатида ушбу жараённинг самарадорлигини белгиловчи яъни, инновацион маҳсулот муваффақиятининг омилларининг иккита компонентини: 1) инновацион В2В маҳсулотнинг юқори фойдалилигини белгилайдиган техникавий омиллар; ҳамда 2) истеъмолчиларнинг маҳсулотини танлаш мезонларини ҳисобга оладиган маркетинг йўналишлари аниқланди.

Асосий қисм

Хизмат-бу мижозларга хизмат кўрсатиш тизими бўлиб, у учун энг яхши маҳсулотни танлаш ва истеъмолчи учун мақбул бўлган даврда унинг оптимал истеъмолини таъминлаш имконини беради.

Ушбу таърифдан келиб чиқадики, хизмат маҳсулотни сотиб олишдан олдин ҳам, уни сотиш пайтида ҳам, маҳсулотни ишлатиш пайтида ҳам ташкил етилиши мумкин. Буни ёдда тутиб, улар фарқлайдилар:

- сотишдан олдинги хизмат;
- сотишдан кейинги хизмат.

Ўз навбатида, сотишдан кейинги хизмат қуйидагиларга бўлинади:

- кафолат хизмати;
- кафолатдан кейинги хизмат.

Сотишдан олдинги хизмат харидорларга маслаҳат бериш, товарларни сотиш ва ишлатиш учун маълум даражада тайёрлаш, шунингдек, агар керак бўлса, тегишли ҳужжатларни тақдим этишни ўз ичига олади. Бундай хизмат ҳар доим бепул. Унинг асосий



мақсади харидорнинг товарларни танлаш, синовдан ўтказиш ва сотиб олиш ҳаракатларини минималлаштиришдир.

Кафолат хизмати маҳсулотни ишлаб чиқарувчининг кафолат муддати давомида ишлаши учун зарур бўлган барча ишларни ўз ичига олади. Гарчи бундай техник хизмат кўрсатиш бепул деб ҳисобланса-да, аслида бажарилган ишларнинг қиймати, шунингдек ишлатилган еҳтиёт қисмлар ва материаллар товарларни сотиш нархиға киритилади.

Товарларни истеъмол қилишнинг кафолат муддати бир неча ой ёки бир неча йилни ўз ичига олиши мумкин. Кўпинча кафолат хизмати харидор ходимларини ўқитиш, сотилган ускуналарнинг ишлашини текшириш, турли хил профилактика ишларини бажариш, алоҳида қисмлар, еҳтиёт қисмлар ва йиғилишларни алмаштиришни ўз ичига олади. Шунинг учун сотишдан кейинги хизматнинг айрим турлари техник хизмат кўрсатиш деб аталади.

Кафолатдан кейинги хизмат ҳақ эвазига амалга оширилади ва аслида кафолатдан фарқ қилмайди. Бу, одатда, тақдим этилаётган хизматлар, уларнинг ҳажми ва нархи кўрсатилган тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

Хизматни ташкил қилишнинг турли хил вариантлари мавжуд. Бироқ, қуйидагилар энг кўп ишлатилади:

- керакли хизмат фақат ишлаб чиқарувчининг ходимлари томонидан тақдим этилади;
- хизмат ишлаб чиқарувчининг алоҳида бўлимлари ходимлари томонидан амалга оширилади;
- хизмат кўрсатиш ишларини бажариш учун алоҳида товарлар, ускуналар, еҳтиёт қисмлар ва агрегатлар ишлаб чиқарувчилар консорциуми яратилиши мумкин;
- хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ихтисослашган фирмаларга юклатилади;
- хизматнинг тўлиқлиги ва сифатини кафолатлайдиган хизмат кўрсатиш ишларини бажариш учун воситачилар жалб қилинади;
- хизмат кўрсатиш фаолиятининг бир қисми товарни харидор томонидан амалга оширилади, қолган қисми еса юқорида айтиб ўтилган бизнес тузилмаларидан бири томонидан қабул қилинади.

Сотишдан кейинги хизмат (сервис) компаниянинг мустақил даромад манбаи ҳам бўлиши мумкин, чунки хизмат кўрсатиш ва еҳтиёт қисмлар учун мақбул нархда ҳам тегишли операцияларнинг қайта ишлатилиши туфайли кўшимча фойда олинади.

Бозор маҳсулоти сифатида ишлайдиган хизматларга нисбатан хизматни яратиш бироз қийинроқ, чунки уларни амалга ошириш, одатда, ишлаб чиқаришдан ажралмасдир.

Сервис компаниянинг обрўси, харидорлар ёки мижозлар назарида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шунинг учун фирмалар кўпинча хизматни кенгайтириш билан боғлиқ кўшимча харажатларга дуч келишади. Тижорат тузилмалари ушбу мақсадлар учун сўровномалардан фойдаланган ҳолда мунтазам равишда тақдим этилаётган хизматлар сифати бўйича тадқиқотлар олиб борадилар.

Сервис хизматини ташкил қилишнинг юқоридаги вариантларининг ҳар бири ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга. Компаниянинг юқори раҳбариятининг вазифаси истеъмолчиларнинг еҳтиёжларини энг кўп қондирадиган, уларга юқори даражадаги талаб қилинадиган хизматни тақдим этадиганларни танлашдир. Бу айнан рақбатбардошликни белгилаб берувчи марказий принципдир.

Хулоса ва таклифлар. Сотидан олдинги ва сотидан кейинги сервис товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда катта рол ўйнайди. Сотидан кейинги сервиснинг ўзига хос хусусияти шундаки, у маҳсулотнинг ажралмас қисми эмас, балки муҳим кўшимча сифатида намаён бўлади. Сотидан кейинги сервиснинг аҳамияти маҳсулот харидор олдида жуда кўп афзалликларни йўқотади, чунки бузилган тақдирда истеъмолчи зарарни ўз маблағлари ҳисобидан қоплаши керак бўлади, бу ҳар доим ҳам ушбу маҳсулотга қараганда арзонроқ бўлмайди.



Сотишдан кейинги сервис сотувчи компаниянинг ўзи томонидан ҳам, хизматлар кўрсатишга ихтисослашган алоҳида компания томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Иккинчи ҳолда, компания товар ишлаб чиқарувчиси бўлмаса-да, ушбу фаолият турига йўналтирилганлиги сабабли, шунингдек, ишлаб чиқарувчи билан ҳамкорлик қилиш орқали, масалан, бўтловчи деталлар ва эҳтиёт қисмларни етказиб беришда юқори сифатли хизматларни тақдим этади.

Шундай қилиб, сотишдан кейинги хизмат товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди, деган хулосага келиш мумкин, чунки бошқа барча ҳолатлар тенг бўлганда, истеъмолчилар энг яхши ташкил этилган хизмат кўрсатиш сиёсатига эга бўлган компаниянинг товарларини афзал кўришади.

Адабиётлар

1. I.N.Ibragimov, L.A.Musabaeva. Educating customers as awaytoin creasetheir loyalty and engagement.: Procedia of The oretical and Applied Sciences. Volume7|May2023 ISSN:2795-5621
2. ИбрагимовИ.Х. Рақобатбардошлик методологияси. Ўқув кўлланма. СамИСИ., 2019. 240б.
3. Ламбен Жан-Жак Стратегический маркетинг. Европейская перспектива: пер.с фран. СПб.,2007. С.395-397.
4. Рзаитдинов,Р.Р.Путиповышенияконкурентоспособностивсфереуслуг(например ресетисервисныхцентровпоремонтутехники):Молодойученый,2021.—С.33-36.—
URL:<https://moluch.ru/conf/stud/archive/394/16533/>
5. Матросова Ю.А. Механизм повышения эффективности управления послепродажным обслуживанием на основе скоринга // Контроллинг. 2016. № 61. С. 62-69.
6. Сьюэлл, Карл. Клиенты на всю жизнь [Текст] / Карл Сьюэлл, Пол Браун. - Издательство: Манн, Иванов и Фербер, 2011. - 240 с.
7. Тимофеев Д.В. Управление процессом послепродажного обслуживания // Вестник Поволжского государственного университета сервиса. Серия: Экономика. 2011. № 6 (20). С. 98-105.

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КОРРУПЦИОН ҲУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич
Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси
хузуридаги Фискал институти “Солиқлар ва
солиққа тортиш” кафедраси доценти (PhD)

АННОТАЦИЯ Ушбу диссертация мамлакатимизда давлат харидларининг бугунги кундаги ҳолати ва уни амалга ошириш ҳамда ушбу тизимдаги тадбиркорлик субъектларининг иштироки бўйича тадқиқот натижалари баён этилган. Шунингдек ушбу диссертацияда давлат харидларини амалга оширишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари, уларни ташкил этиш амалиёти, мамлакатимизнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлили ҳамда давлат харидлари тизимига тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш тизимини ривожлантиришга оид илмий хулоса ва амалий таклифлар берилган.

Калит сўзлар: давлат харидлари, бюджет буюртмачилар, корпоратив буюртмачилар, тадбиркорлик субъектлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, битимлар, электрон савдолар, тендер, танлов, товарлар, ишлар, хизматлар.



ANNOTATION This dissertation describes the current state of public procurement in the country and the results of research on its implementation and the participation of business entities in this system. The dissertation also provides scientific conclusions and practical recommendations on the theoretical and legal basis of public procurement, the practice of their organization, the analysis of economic indicators of the country and the development of a system of attracting businesses to public procurement.

Keywords: public procurement, budget customers, corporate customs, business entities, agreements, e-trades, tenders, tenders, tenders, goods, competitions, goods, competitions, competitions, goods, competitions, goods, goods, competitions, goods, competitions, competitions, goods, competitions, goods, competitions.

КИРИШ

Давлат харидлари географик жойлашуви, ривожланиш даражасидан қатъий назар, ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг катта қисмидир. Мамлакатимизда ўртача давлат харидлари ЯИМнинг 20 фоизини ташкил этади ва бу харид бозорларида хусусий секторлар учун жуда катта бизнес имкониятлар яратади.

Давлат харидларининг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, бозорнинг тузилиши ва фаолиятига шунчаки сотиб олинган товар ва хизматлар миқдоридан ташқари кенгроқ таъсир қилади. Масалан, сотиб олиш сиёсати орқали давлат сектори фирмаларнинг рақобатлашишини рағбатлантиришга таъсир кўрсатади. Қисқа муддатли истиқболда давлат харидлари потенциал етказиб берувчилар ўртасидаги рақобатга таъсир қилиши мумкин; Узок муддатли истиқболда давлат харидлари инвестициялар, инновациялар ва бозорнинг рақобатбардошлигига таъсир қилиши мумкин.

Харидлар бозорларига кириш тўсиқлари минимал даражага тушиб қолган ва рақобат жараёни ўз ролини ўйнаши мумкин бўлган жойда, хусусий сектор ривожланиб, кўпроқ рақобатлашишга ва янгилик қилишга интилади. Дарҳақиқат, бизнес, хусусан, кичик ва ўрта корхоналар давлат шартномалари учун рақобатлашишга адолатли имконият бўлган жойда, ўз фаолиятини янада ривожлантириш учун зарур туртки бериши ва ҳаттоки бошқа бозорларда талабни қондирадиган инновацион товар ва хизматларни таклиф қилади. Шунинг учун харидлар бозорларидаги рақобат кўп даражаларда муҳим аҳамиятга эга ва иқтисодиётда рақобатга узок муддатли таъсирларни шакллантириш учун харид сиёсатидан фойдаланиш мумкин.

АСОСИЙ ҚИСИМ

Давлат харидлари нафақат бизнинг мамлакатимизда балки халқаро миқёсда жадал ривожланиб бораётган соҳадир. Шу сабабли бу тизим кўплаб олимлар, халқаро институтлар ва бошқалар томонидан билдирилган назарияларда, мақолаларда ва илмий ишларида муҳокама қилиниб келинмоқда. Соҳа қанчалик ривожлангани сари у ҳақида қарашлар, фикрлар хилма хиллиги ортиб боради. Бу эса ушбу соҳани давлат бошқарув тизимида муҳимлилик даражасини белгилаб беради.

